



Фатҳулла Абдуллаев

ҒАФУР ҒУЛОМ
ҳақида
хотираларим



ФАТҲУЛЛА АБДУЛЛАЕВ

**ҒАҒУР ҒУЛОМ
ҲАҚИДА
ХОТИРАЛАРИМ**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2003

84 (5У) 5

А 15

*Китоб Фафур Фуломнинг набираси
Абдушукур Ҳамидов ҳомийлигида чоп этилди.*

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори *Наим Каримов*

Абдуллаев, Фатҳулла.

Фафур Фулом ҳақида хотираларим. — Т.: Ф. Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. — 40 б.

Таниқли адиб Фафур Фуломнинг шахсий ҳаёти ҳам бадий ижоди
каби бетакрор ва ибратлидир. Муаллиф алломанинг шахсий ҳаётида содир
булган ажойиб ҳодиса-воқеаларнинг шохиди ва гувоҳи сифатида уларни
ҳикоя қилган.

Ушбу китобчада муаллифнинг адиб ҳақидаги хотиралари ва вақтли
матбуотда эълон қилинган мақолаларидан айримлари чоп этилмоқда.

ББК 84 (5У) 6

4702620201 — 3

А _____ режа 2003

М352 (04) — 2003

© Фатҳулла Абдуллаев, Фафур Фу-
лом номидаги нашриёт-матбаа ижо-
дий уйи, 2003 й.

ISBN 5-635-02156-5

МУШОИРА

Тошкент шаҳрининг кўҳна ва қадимий маҳаллаларидан бўлмиш Кадиободда кўплаб олиму фузалолар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан. Бизнинг оила билан Ғафур ака оиласи Кадиобод маҳалласида ён қўшни, жон қўшни бўлиб яшардик. Мени Ғафур ака катта ўғлим, дердилар. Падари бузрукворимиз Ғафур ака билан садоқатли дўст, ака-ука эдилар. Дадам Ҳожи Мирзаабдулло нозиктабиат, қувноқ, дўст учун жонини берадиган, Ғафур ака ибораси билан айтганда, “улфатнинг гули” эдилар. Дадамизнинг бирорта гап-гаштаклари Ғафур акасиз ўтмасди.

Боболаримиз ва дадамиз меҳнати билан бунёд этилган жаннатмакон боғимиз бўларди. Ёз ойлари бу “Боги Эрам”дан меҳмон оёғи узилмасди. Ғафур ака уюштирган зиёфатлар, мушоиралар баъзан бизнинг боғда ҳам бўлиб ўтарди. Бундай кунларда мен ва Ғафур аканинг фарзандлари хизматда бўлар эдик. Фарзандлар ичида каттароғи бўлганим учун икки оиланинг ўзаро муносабатларини, фаровон ва ночор кунларини, икки бегараз дўстнинг ажойиб садоқатини яхши тасаввур этаман. Айниқса, алломанинг хислат ва фазилатларини ўзимга яраша тушунганман, англаганман. Зийракроқ, мўмин-қобил бўлганим ёки бошқа сабабданми, Ғафур ака мени яхши кўрардилар. Ҳамиша кўнглимни кўтариб, далда берардилар. Биргина менга эмас, барча қавм-қариндошларнинг фарзандларига мураббий, раҳнамо эдилар.

Гарчанд Ғафур Фуломдек улуғ инсон тўғрисида ёзиш бағоят оғир ва мушкул бўлса-да, ўзим шоҳид бўлган воқеаларни ҳикоя қилишга жазм этдим. Балким, ҳикоятим аллома ҳаёти ва ижодини яхши билган адиблар ва шогирдлари назарида янгилик эмасдир. Агар шундай туюлса, улардан узр сўрайман.

1940 йилнинг ёз кунлари. Боғимиз айни гуллаб-яшнаган, анвойи гуллар ён-атрофга муаттар ҳид таратган, катта ариқда оқаётган зилол сувнинг айқирғи дилни қитиқлайдиган, қувонтирадиган дамлар. Боғда пайдо бўлган Ғафур ака билан

дадам азиз меҳмон келишини айтиб, хизматга ҳозир бўлишимни буюришди. Тезда шохсупага кўрпачалар тўшалди, ёстиқлар қўйилди. Хонтахта нози неъматлар билан тўлдирилди, уй бекалари ўчоқ ва тандирга ўт ёқдилар, зиёфатга тайёргарлик бошланди. Бирин-кетин шоир ва ёзувчилар, сўнг “ЭМКА” машинасида азиз меҳмон келди. У киши Эроннинг машҳур шоирларидан Абулқосим Лоҳутий эди. Дадам шоирни иззат-ҳурмат ила ҳовлимизга бошладилар.

Ғафур ака: “Бу уй соҳиби менинг энг яқин дўстим — қадрдоним”, дея дадамни Лоҳутийга таништирдилар. Меҳмон ҳовлидан ўтиб, боққа киргач, дам Ғафур акага, дам дадамга боқиб, “Баҳ, баҳ, ин “Боғи Эрам” аст!” — “Қойил, бу “Боғи Эрам-ку!” — дея завқланиб кетди. Ғафур ака дадамни Лоҳутийга мақтаб кетдилар: “Дўстимнинг касби кори турли-туман, чунончи, меҳмондўст, улфатпараст, шоирликдан ҳам хабари бор ва, ниҳоят, қўли гул боғбон”. Сўнг: “Ҳожим, сени шоирга чиқариб қўйдим, қани, икки шингил Саъдийдан ўқи”, — дедилар. Дадам, дарҳақиқат, шоиртабиат инсон эдилар. Навоий, Саъдий, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг ғазалларини алоҳида дафтарга кўчириб ёдлар эдилар. Лоҳутийга қараб: “Ғафур менга ортиқча баҳо бериб юборди, аслида оддий меҳнаткашман, шу қадок қўллар ила тирикчилик қиламан, бола-чақа боқаман”, — дея Саъдийнинг қуйидаги байтини ўқидилар:

Ўз меҳнатидан нон еган киши
Ҳотам меҳнатидан озод ёз-қиши.

Ғафур ака ғазални форсчага ўгириб ўқиди. Лоҳутий қаҳ-қаҳ уриб дадамни кучиб олди ва: “Ғафур, агар оддий дўстинг шунчалар доно бўлса, сиз номдор шоирларга бас келиб бўлмас-ов”, — деди.

— Қани, мушоира бошлайлик. Навоийданми, Ҳофизданми, Саъдийданми ёки ўзимизнинг ғазалларданми? Марҳамат, меҳмон, ўзингиз бошланг, — дедилар Ғафур ака.

Икки номдор шоирнинг айтишуви, суҳбати деярли форс тилида бўлди. Ғафур ака меҳмон ва мезбонларга дам-бадам таржимонлик ҳам қилардилар.

Агар давра суҳбати асосан форс тилида борган бўлса, ушбу хотира муаллифи қандай қилиб уни батафсил ҳикоя қиляпти, деган савол туғилиши табиий. Менинг Ҳожи Нажмиддин исмли бувам бўлардилар. У киши асли бухоролик, Салриддин Айний,

Файзулла Хўжаев, Фитрат билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр эканлар. Жадидларга қўшилганликлари сабабли зиндонда кўп азоб чекканлар ва дўстлар кўмагида Бухородан қочиб, Тошкентнинг Гулистон маҳалласида ҳовли-жой қилганлар. У киши жуда саховатли, маърифатпарвар ва меҳмондўст эдилар. Уйларида қишин-ёзин меҳмон аримас, машҳур хонанда домла Ҳалим Ибодов, ўзбек ва тожик халқининг хушовоз ҳофизи Шоназар Соҳибов, таниқли олим, икки халқнинг содиқ фарзанди Султон Умаров, бетакрор санъат устаси Саъди Табибуллаев каби атоқли санъаткорлар, олимлар ва адиблар бувамнинг азиз меҳмони бўлардилар. Бундай пайтларда ширин суҳбатлар, ашула ва ғазалхонлик авжига чиқарди. Давра суҳбати гоҳ ўзбек тилида, гоҳ форс тилида бўларди. Кўпинча меҳмондорчиликда мен хизмат қилардим. Бувам эринмасдан менга форс тилини ўргатардилар. Шу сабабли ҳам тожик-форс тилини тушунардим.

Хуллас калом, Абулқосим Лоҳутий мушоирани бошлаб бердилар. Маълумки, форс тили ва форс ғазаллари ғоят мулойим, жозибали, жарангдор, худди мусиқа каби ёқимли. Лоҳутий гоҳ Саъдий, гоҳ Ҳофиз ғазалларини ўқиса, Фафур ака Лоҳутийга жўр бўлардилар. Жўр бўлганда ҳам худди булбулдек сайрардиларким, ҳар бир айтишувдан сўнг Лоҳутий тилидан “офарин!” сўзи аримасди. Ниҳоят, Лоҳутий: “Фафур, иккимизнинг мусобақамизда сен голиб чиқдинг. Саъдий ва Ҳофиз шеърятини шунчалар билишинг ва англашингга тан бердим! Энди умум мушоирани бошласак, бу ерда атоқли шоирлар, ёзувчилар тўпланган, улардан ҳам бир шингилдан эшитсак”, — деди.

Сўнг умумдавра мушоираси бошланди. Лоҳутий ғазал ўқиса, Фафур ака илиб кетарди. Фафур ака шеърини ўзига хос латофат ва талаффуз ила Шайхзода давом эттирарди. Ҳамид Олимжон ўқиган афсункор ғазал бошқаларни лол қолдирса, Собир Абдулла байти барчага ҳузур бағишларди. Давра мушоираси тобора қизиб борарди, ҳамма бир-биридан ўзишга ҳаракат қиларди.

Фафур ака таклифи билан мушоира тўхтатилиб, суҳбат мавзуи ўзгарди. Ҳар қандай суҳбат, даврага файз киргизишда Фафур акага бас келадиган валломат йўқ эди.

“Энди азиз меҳмон бизни боз хушнуд этсинлар. Илтимос, фолбинлик қилиб, ҳаммамизнинг тақдиримизни, қисматимизни айтиб берсинлар”. — Давра аҳли қарсак чалиб, Фафур аканинг таклифини маъқуллади. Фафур ака Мухаррам опадан Хўжа Ҳофиз девонини сўраб келтиришни менга буюрдилар.

Шоир кутубхонасидан девонни олиб чиқдим. Лоҳутий китобни олиб, пешонасига теккизиб: “Қани, Фафуржон, сиздан бошлаймиз”, — деди. Фафур ака кўз юмиб бармоғи билан девондаги бир мисра шеърни босиб танлади. Лоҳутий эса Ҳофиз байтини ажойиб мафтункор оҳангда ўқиб берди. Фафур ака ўз фолини ўзи таржима қилиб, Ҳофиз таъбиридан ғоят мамнун эканлигини билдирди. Бирин-кетин бошқа меҳмонлар ҳам кўз юмиб мисра танладилар. Байтларни Лоҳутий ўқиб, таржимасини Фафур ака қойилмақом қилардилар. Ҳар кимнинг фоли ҳар хил чиқар, даврада гоҳ кулги, гоҳ мазахомуз луқмалар, киноялар авж олар, гоҳ жиддийлик сукунати чуқарди. Шундай пайтда Фафур ака қўлига тақсимча олиб, шўх ашула бошлар ёки бирор латифа айтиб, меҳмонларни хушнуд этардилар. Лоҳутий ва бошқа меҳмонлар шоир дилидан, тилидан қуюлиб чиққан ажойиб, мафтункор байтларни ҳайрат ила эшитар, буюк адибнинг истеъдодига қойил қолар эдилар.

Кези келганда айтиш жоизки, ўзбек халқи таниқли форс шоирини севиб ардоқлади ва ҳурмат-иззатини жойига қўйди. Лоҳутийнинг ўнлаб шеърлари, дostonлари, жумладан, девони ва танланган асарлари чоп этилди. Бу асарлар тезда тарқалиб, шеърят мухлисларига ғоят маъқул ва манзур бўлди. Таниқли ўзбек адиблари, хусусан, Фафур Фулом Лоҳутийнинг бетакрор ижодига юқори баҳо бердилар.

ҒАРОЙИБ КУН

Балиқ сув билан тирик деганларидек, аллома ҳам халқ билан, меҳнат аҳли билан ҳамнафас эдилар. Шу ўринда ўзим шоҳид бўлган бир ажиб воқеани ҳикоя қилмоқчиман.

1962 йилнинг баҳор кезлари. Мен ва дўстим Талъат ишхонадан кўчага чиқиб суҳбатлашиб турардик. Иккимиз ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлардик. Талъат билан бир маҳаллада яшаб, бирга ўқиганмиз. Жуссаси кичик, қора қош, қора кўз, сўзга чечан, билимдон инсон эди. Фафур ака уни яхши кўрар эдилар, “бойвачча” ёки “бўйдоқ бола” дея ҳазиллашардилар. Талъат ҳам ҳазилкаш эди. Ўша куни маош кунимиз, лекин кассирдан дарак йўқ. Аксига олиб иккимизда ҳам овкатга пул йўқ. Қани энди бирон киши тушликка таклиф этса... Ногаҳон “Волга” машинаси ғийқ этиб

олдимизда тўхтади. Машинадан Ғафур ака тушиб келдилар. Салом-аликдан сўнг: “Хўш, муллабаччалар, нима қилиб турибсизлар, хомуш кўринасанлар?” — дедилар. Талъат очигини айтди-қўйди: “Нима қилардик, оч мушукдек сичқон пойлаяпмиз”. — “Ия, кимсан Неъматилла бойвачча, Ҳожи Мирзаабдуллонинг чақалоқлари оч қолса уят-ку, мени номусга қўясанлар-ку! Очилингни бировга айтмаларинг. Мана, мен сенларни тўйдирадиган. Шарқшуносликда мояна бўлмаса, бизда, Тил ва адабиёт институтида бўлади. Талъат! Юқорига чиқиб, пул бор-йўқлигини билиб чиқ!” — дедилар Ғафур ака. Талъат гириллаб юқори қаватга чиқиб тушди ва пул йўқлигини айтди. Ғафур ака: “Оббо, аксига ҳамёнимда ҳам ақча йўқ, маошга ишониб сенларни тўйдирмоқчи эдим, энди бевурд бўлмай кетиб қолсам, орқамдан иғво қиласанлар, давай, машинага ўтирларинг”, — дея шофёрга омонат касса томон юришни буюрдилар. Опера ва балет театри рўпарасидаги омонат кассага кириб чиққан шофёр пул йўқ эканлигини айтди. Ғафур ака радиога боришни буюрдилар. Хоразм кўчасидаги радио биноси олдида Маъруф Қориев турган экан. Ғафур ака йўқотган кишисини топиб олгандек хурсанд бўлиб, “Хўш, укам, нимага жавдираб турибсан?” — десалар, Маъруф ака: “Қорним оч, карахтман, сиздек Ҳотамтойни кутиб турибман”, — дея жавоб қилди. Ғафур ака: “Оббо, бугун очлар куними, ҳаммангнинг кунинг Ғафур акага қолганми, ўзи?” — дея ҳазил қилдилар. Сўнг Қориевга чўнтак қуруқлигини, радиога пул дардида келганликларини айтдилар. Маъруф ака ўйланиб қолди. Ғафур ака: “Маъруф, сен хафа бўлма, мени кабинетингга ярим соатга қамаб қўй, очликдан илҳом келяпти, ажойиб қўшиқ ёзиб бераман. Қўшиқни сотамиз, пичоқ мой устида бўлади, сени ҳам, мана буларни ҳам зиёфат қиламан”, — дея радиога йўл олдилар. Биз таниш муҳаррирлар билан суҳбатлашиб ўтирдик. Маъруф ака эса оёғи куйган товукдек йўлакнинг у бурчагидан бу бурчагига типирчилаб юрарди. Чамаси, 40–50 дақиқалар ўтгач, Маъруф ака ведомость кўтариб бошлиқ хонасига югурди. У ердан хурсанд чиқиб, Ғафур акани кассага бошлади. Ғафур ака анча-мунча ашула ҳақи олиб, Маъруф акага озгина пул узатдилар. “Мана ол, сенга бугунга етади, кўпроқ берсам ишдан қоласан, раҳбарларинг мендан хафа бўлади”, — дея радиодан чиқдилар. Бизга ҳам жон кирди. Ғафур ака ҳам мамнунлар. Машина “Шарқ” ресторани томон йўл олди. Ресторанда мазза қилиб

овқатландик. “Энди халқимга, ижодимга кетаман. Эски шаҳарни айланамиз, маҳаллага ўтамиз, дўстларни кўнгил истаяпти”, — дедилар Ғафур ака. Машина Эски Жўвага йўл олди.

Эски Жўвага етгач, Ғафур ака бозордаги катта лағмонхонага боришимизни айтдилар. Таклиф бизга ёқмади, чунки қорнимиз тўқ эди. Лағмонхонага киргач, Ғафур ака лағмонпазлар олдига кириб кетдилар. Биримиз навбатга, биримиз жой эгаллашга шошилдик. Жой ҳам топилди, лағмон ҳам келтирилди, лекин Ғафур акадан дарак йўқ. Мен хабар олгани ошхона ичкарисига бош суқдим. Ғафур ака гоҳ қайла қайнаётган қозонга тикилар, гоҳ терлаб-пишиб, ҳарсиллаб хамир ташлаётган йигитларга маҳлиё бўларди. Кўз кўзга тушгач, имлаб чақирдим. Чиққанларидан сўнг: “Сизга пархонада нима зарур?” — дедим. “Эй нодонлар-ей, мен ҳузур қилиб лағмонпазлар билан гаплашдим, ҳасратини, дардини билиб олдим, қайла ҳидладим, хамирнинг тола-толага айланишини томоша қилдим”, — дедилар. Биз истар-истамас лағмонга қўл урдик. Столдаги тўртинчи жой бўш эди. Бир барваста, пешонасини танғиб олган девсифат йигит рухсат сўраб курсига ўтирди. Ғафур ака йигитнинг лағмон ейишини суқланиб кузатарди. Икки кишилик лағмонни апил-тапил еб олган йигитчага Ғафур ака гап қотдилар: “Ўғлим, касби коринг нима, қаерликсан?” — “Амаки, аслим тошкентлик, Каллахонадаги новвойхонада нон ёпаман”, — деди йигит.

— Мени танидингми, йўқми, мен Ғафур Фулом бўламан, — йигит ҳайратга, саросимага тушди, қайта салом берди. — Ўғлим, сен хижолат бўлма, ишингга кетавер, ортингдан мен ҳам етиб бораман, овқат ейишингни кўрдим, меҳнатингни ҳам бир кўрай, нон ҳидини согинганман, — дедилар.

Йигит кетиши билан биз ҳам қўзғалдик, пиёда Каллахона томонга юрдик. Новвойхонага бориш бизга малол келар эди. Иккимиз Ғафур акадан илгарироқ эринибгина Каллахона тепасидаги новвойхонага чиқдик. Ичкаридан ҳалиги новвой йигитнинг ҳаяжонли овози эшитиларди: “Нега ишонмайсанлар, ахир Ғафур Фуломни ўз кўзим билан кўрдим, суҳбатлашдим, новвойхонага бораман, дедилар”. — “Қўйсанг-чи, сени бирор киши лақиллатган, Ғафур Фуломдек катта шоир оддий лағмонхонада нима қилади, келса ҳам сендек ландовур билан гаплашармиди, боз устига Ғафур Фулом новвойхона кўрмаганми?” — деди бир кекса новвой. Деразадан бизга кўзи тушган новвой йигит қувониб кетди. “Ана, ўзлари келдилар”, —

дея Фафур акага пешвоз чиқди. Новвойлар шоир билан кўришишга ошиқдилар. Фафур ака ҳаммалари билан самимий кўришгач, фотиҳага қўл очиб: “Умри жонингларга, касби корингларга Аллоҳ таоло барака берсин”, — дея дуо қилдилар. Новвойлар ғоят хурсанд, бири дастурхон ёзган, бири чойга югурган. Фафур ака курсига ўтирмадилар, тик туриб, бир нонни ўпиб, пешоналарига теккизиб, ушатдилар, бир бурдадан бизга узатдилар, нон ниҳоятда мазали эди. “Гаплашсак гап кўп, сизларни ишдан қолдирмай, хамир узиб, нон ёпишингизни, бўртиб чиққан мускулларингизни, ёниб турган ёноқларингизни томоша қилмоқчиман, седана ҳидини, нон ҳидини соғинганман”, — дедилар Фафур ака. Улар бир неча дақиқа новвойлар меҳнатини кузатдилар, кейин уларга халал бермаслик учун имо билан хайрлашдилар-да, новвойхонадан тез чиқиб, зинапоялардан чаққон пастга тушдилар.

Машина Кадиобод маҳалласига, бизнинг ҳовлига йўл олди. Ҳаммамиз жим, Фафур ака уйкуга кетгандек, кўз юмиб олганлар. Собир Раҳимов кўчасидан юриб Қорасарой кўчасига бурилиши олдида кўз очиб, “Шорасул тоғангнинг уйини биласанми?” — дедилар. Мен кўриниб турган торкўчани кўрсатдим. Йўл-йўлакай тоғам билан дийдорлашиб, Талъат уйи олдида тўхтадик. Талъат узр сўраб, машинадан тушиб қоладиган бўлди. Машина муюлишда, Фафур аканинг Кадиобод маҳалласидаги уйи олдида тўхтади. Иккимиз машинадан тушиб, торкўчага киргач, мени ўз ҳовлиларига бошладилар. Бу уйда Холидаҳон исмли катта қизлари бир этак болалари билан яшарди. Ҳовли ҳаммавақт болалар боқчасидек шовқин-сурон, гавжум. Холидаҳон ва куёвлари Шокир полвон питирлаб қолишди. “Қизим, овора бўлма, мен Мирзаабдулло амакингникига келганман, хўш, аҳволларинг қалай, қани, Шокирдан бошлай қол”, — дедилар. Шокир полвон исми жисмига ярашган, норғул, соддадил, шинаванда, меҳнаткаш инсон эди. У ҳоли қудрат тирикчилик қилар, айби — беданага ишқибоз эди. Ишдан ҳориб-чарчаб келган кезларида беданалар билан овора бўлиб, ҳордиқ чиқарарди. Бу Холидаҳонга ёқмасди, албатта. Кўпинча Фафур ака келди дегунча беданадан гап очар, Шокир полвон мулзам, хижолат чеккани чеккан эди. Бу сафар ҳам ҳар галгидек бедана ҳасрати бошланди. Мен Холидаҳонга кўз қисиб, бас, десам ҳам бўлмади. Фафур ака индамай Холидаҳоннинг гапларини охиригача эшитдилар. Кўпинча қизларини қувватлаб, куёвни уялтирар, койир эдилар, бу гал

бошқачароқ йўл тутдилар: “Қизим, гапинг тугаган бўлса, менинг гапимни эшит, — дедилар Фафур ака. — Шокир пок, ҳалол инсон. Эртаю кеч тер тўкади, меҳнат қилади. Ҳалол меҳнатига, одоб-ахлоқига, солдадиллигига ишқибоз бўлиб, сени Шокирга берганман. Ўзинг ҳам жон деб теккансан. Мен бир нарсадан фахрланаман. Сени ҳам, Шокирни ҳам, мана бу жужуқларингнинг ҳам ҳалқуми тоза, пок, оиланга ҳаром-хариш аралашмаган. Бу унча-мунча оилага насиб этмайди. Сабр-қаноатли бўл, шукр қил, бу кунлар унут бўлади, ҳали болаларингнинг роҳатини кўрасан, болам”. Хотини таънадашномидан эзилиб-букилиб ўтирган Шокир полвон Фафур ака гапларини эшитиб, яйраб кетди. Шу пайт Фафур ака келганлигининг дарагини эшитган дадам ҳовлига кириб келдилар. Икки қадрдон дўст бир-бирлари билан кўришдилар. Сўнг дадам Фафур акани уйга бошладилар. Дадам Фафур аканинг феълени, кайфиятини жуда яхши билардилар. Улар бир-бирларидан сир яширмасдилар, очиқчасига гаплашардилар. Бир пиёла чойдан сўнг: “Фафур, кайфиятинг бузукроқ кўринади, нечук?” — дея гап бошладилар дадам. “Ҳожим, мени биласан-ку, бир кунда минг хил турланаман, яхшига яхши, ёмонга ёмон бўламан, яхшилиқни кўрсам, кўнглим тоғдек кўтарилади, бад нарсаларга дуч келсам, дилим вайрон бўлади. Бугунги куним ёмон ўтмади. Ўғилларим билан роса яйрадик. Лағмонхона билан новвойхонада бўлиб, ҳам қувондим, ҳам куюндим. Ҳожим, айт-чи, илгари норғул йигитлар лағмон ташлаганми, нон ёпиб, бозорда сотганми? Тушунаман, тирикчилик тошни ёради, улар тирикчилик деб ўзларини ўтга, чўққа урадилар. Лекин, бунинг роҳати қани? Уйда Холида ярамга тус сепди, яна Шокирдан нолиди. Шўрлик, бир кунда 5 — 10 тонна юкни елкасида кўтариб, машинага ортар, машинадан туширар экан. Шунчалар азоб-укубат билан топган пулига оила боқа олмаса, бу қандай бедодлик. Шундай адолатсизликни кўриб юрак-бағрим эзилади, дўстим. Армонларим, ҳасратларим ичимда булоқ бўлиб қайнаб ётибди, лекин минг афсуски, булоқнинг кўзига қозиқ қоқилган”, — дедилар Фафур ака. Мен бу гапларни биринчи бор эшитганим учун ҳангу манг бўлиб қолдим. Фафур аканинг изтиробини кўриб, маънавий юки нақадар оғирлигини англаб, ёқа ушладим. Дадам дўстини юпата бошлаган чоғи боғга Неъматилла, Қори ака ва маҳалладаги бошқа улфатлар кириб келишди. Фафур ака ҳаммалари билан кучоқлашиб кўришди. Ўйин-кулги, ҳазил-аския бошланиб кетди.

МЕҲМОНХОНАДАГИ СУҲБАТ

Бу воқеа содир бўлганига салкам ярим аср бўлди.

50-йиллардан бошлаб кўпгина олий маълумотли ёшлар Ленинград, Киев ва Москвага бориб, аспирантураларда таҳсил ола бошладилар. Собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг институтларида аспирантурани ўтаётган илмга чанқоқ ёшлар кўп эди. Москванинг Неглиная кўчасидаги ваколатхона меҳмонхонаси ҳамиша гавжум. Меҳмонхонада таниқли артистлар, санъат ва адабиёт арбоблари ҳам истиқомат қилардилар. Бу даргоҳда ўйин-кулги, аския-мутойибалар, ҳазил-хузул, кую кўшиқлар ҳамиша янграб турарди. Биз, илм-фан мухлислари ҳам бундай кўнгилхушликларда гоҳо-гоҳо иштирок қилардик.

Бир куни кутубхонадан келсам, менга хушхабар етказдилар. Мени Фафур ака йўқлабдилар, тезда “Москва” меҳмонхонасига етиб келсин, дебдилар. Ўша кунлари Москвада ўзбек адабиёти ва санъатининг декадаси бўлаётган эди. Фафур ака ҳам шу тантанали маросимга келган эдилар. Мен эрталаб “Москва” меҳмонхонасига йўл олдим. Фафур ака одатдагидек эрта-саҳарда туриб, ёзув столига ўтириб нималарнидир ёзаётган эканлар. Иккимиз ота-боладек кучоқлашиб кўришдик. Фафур ака мендан ҳол-аҳвол сўрадилар, ўқишларим, тирикчилигимни обдан суриштирдилар: “Москвага келибоқ аввало отанг Мирзаабдулло Махсумнинг топшириғини бажаришга, яъни сени кўришга ошиқдим. Биласан-ку, дўстимнинг гапини икки қилолмайман, иккинчидан, мен ҳам сенга отанг қаториман”, — дедилар. Икковлон нонушта қилдик. Тамадди вақтидаёқ Фафур ака эл-юрт соғинчидан гап бошладилар: “Келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин еган-ичганим татимаяпти. Бундоқ қарасанг, нонушта зўр, хилма-хил. Лекин бу таомлардан мен лаззат ололмайман. Буларнинг барини Кўкчанинг ёғлиқ қаймоғи, Эски Жўванинг пўрсилдоқ, иссиқ нонларига, бир сиқим қора майизу бир бўлак новвотга ва бир пиёла аччиқ чойга алмаштирмайман. Яхшиямки, келинойинг Муҳаррамхон озгина ширинлик, қазӣ, патир тугиб берган. Шулардан тамадди қилиб турибман. Биласан, мен бозор кезишни, бозор расталарини томоша қилишни яхши кўраман. Ҳафтада тўрт-беш кун Эски Жўва, Бешёғоч, Кўкча, ҳатто Кўктерак бозорини сайр қиламан. Ўғлим, шу бозорларни соғиндим. Бу

ҳам майли-я, дўстларим, биродарларимни, фарзандларимни, яқинларимни қўмсаяпман. Мен билан кўпгина шоирлар, ёзувчилар, санъат усталари келган. Улар ҳар куни мени йўқлаб туришади. Яхши суҳбатлар бўлиб туради. Аммо ўша оддий, камтар, бегараз дўсту ошналарим суҳбатларига ҳеч нарса етмайди. Мен уларнинг самимий, дил сўзларидан яйрайман, қувонаман”.

Соғинч, бир оз ўкинч сўзлардан сўнг Фафур ака кўз юмиб, сукутга кетдилар. Шу пайт эшик тақиллаб, бир шоир йигит кириб келди. Салом-аликдан сўнг: “Фафур ака, бир неча дақиқадан сўнг Кремль куранти бонг уради. Сизнинг деразангиз курантга яқин экан, биргалашиб эшитсак, томоша қилсак”, — деди. Фафур аканинг энсалари қотиб: “Шевердиннинг хонасидан Кремль юлдузлари ярқираб кўринади, курант садолари ҳам бошқачароқ эшитилади. Ўша хонага чиқа қол, Шевердин ҳам хурсанд бўлади, болам”, — дедилар. Шоир йигит ноилож хонадан чиқиб кетди. Кремль садолари бонг ураётганда мен беихтиёр бир сесканиб тушдим. Фафур ака эса бепарво, беписанд эдилар. “Ҳа, ўғлим, курант музыкаси сени сел қилди шекилли. Тошкент курантини ҳам шундай ихлосу эътиқод билан эшитасанми, эшитмаган бўлсанг, Тошкентга қайтгач, она шахринг қўнгиругига қўлоқ сол, болам. Асл ўзбекка кўп нарсаларни эслатади у курант. Мен у ердан ўтсам, албатта, курант садоларини энтикиб, ҳаяжон билан эшитаман. У миллатим, Ватанимнинг кўҳна ва ҳозирги тарихини ҳамиша ёдга солади”. Фафур ака бу гапларни ички ҳаяжон, туғён билан гапирдилар. “Ўғлим, бир оз кайфиятим бузилди, чамадондаги пластинкани олиб, мана бу патефонга қўйиб юбор-чи”, — дедилар. Мен пластинкани патефонга қўйдим, ундан ажойиб мақом куйлари янграб кетди. Фафур ака кўзларини юмиб, сел бўлиб эшитдилар. Алломанинг ҳолатларини кузатар эканман, у кишининг кўзларида ёш кўрдим. Чамамда, Фафур ака анча-мунча роҳатланиб олдилар, диллари равшан тортди ва менга дедилар: “Ўғлим, сенлар ҳали ёш, ғўрсанлар, миллат, она-Ватан, она тили, миллий мусиқа деган муқаддас нарсаларнинг қадрига унча етмайсанлар. Вақт-соати келиб, ёшларинг улғайгач, миллатсевар ҳақиқий ўзбек бўласанлар, албатта. Ҳозир мақом куйларини эшитиб, сени ҳам кузатдим. Афсуски, бу ноёб куй-ашулаларни дилдан, ихлосу эътиқод билан эшитмадинг. Ахир бу мақомлар ўзбекни ўзбек қилган, миллатни миллат қилган мўъжиза-ку. Билиб

қўй, бу мўъжиза ҳеч бир миллатда йўқ. Шу нарсани ҳам ёдингда тут, мақом-қуй ва қўшиқларни сел бўлиб эшитган инсоннинг кўзида ёш қалқийди. Уларнинг дили ва тили пок бўлади”.

Ғафур ака айтмоқчи, биз, ўша давр болалари, айниқса, Москвада таҳсил олаётган ёшлар кўпроқ Ғарб мусиқаси, рус ашула ва мусиқасига маҳлиё эдик. Аллома каромат қилганларидек, ёшимиз улғайиб, ўзлигимизни англаб, миллий қадриятларимизга, миллий анъаналар, миллий қуй-қўшиқларимизга, айниқса, мақом йўлларига меҳр қўя бошладик.

Мен ўша куни Ғафур Ғулом панд-насиҳатларини эшитиб, кўп нарсалардан баҳраманд бўлдим. У зоти олийнинг ҳар бир гап-сўзлари бир умрга етарли сабоқ бўлди менга. Ватан, миллат, оила, авлод-аждод ҳақидаги алломанинг тагдор фикру мулоҳазалари ҳамон қулоғимда жаранглаб туради.

ҚУТЛОВ

1965 йил 8 июнь куни мен номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ўша куни одатдагидек бу хайрли воқеани нишонладик. Бизнинг хонадонда бўладиган бундай маросимларда кўпинча Ғафур ака бўлар, меҳмондорчиликни базми жамшидга айлантириб юборардилар. Ўша кунги йиғинда Ғафур ака бўлмадилар. Сабаби, шифохонада даволанаётган эдилар. Ҳимоядан 3 — 4 кун олдин олдиларига бориб, ул зотнинг фотиҳаларини олган эдим. Дадамдан узр сўрашимни қайта-қайта тайинлаган эдилар. Чунки, хонадонимиздаги зиёфатларда Ғафур ака бўлмасалар, дадамга татимас эди.

Ҳимоянинг эртасига энг яқин дўстларим супрақоқдига йиғилдик.

Супрақоқди авжи қизиган пайтда “Тўйлар муборак” ашуласини айтиб, Ғафур ака боғга кириб келдилар. Ҳаммамиз пешвоз чиқиб, уларни кутиб олдик. Ҳамма билан кучоқлашиб кўришдилар, айниқса, дадамларни анчагача ўз бағриларидан қўйиб юбормадилар. Ғафур ака дастурхонга ўтиргач, фотиҳа қилдилар ва мени ҳимоя билан самимий табрикладилар. “Махсум, — дедилар улар, — кеча келолмаганим учун яна узр сўрайман. Докторлар рухсат бермади, жаҳлингдан чўчиб касалхонадан қочиб келдим. Махсумнинг кўзига хунук кўринмай, деб касалхона кийимини уйда ечиб, сен ёқтирадиган либосда уйингга ошиқдим”. Ғафур ака дўппи, эгниларида оппоқ ҳарир яктас, узун оқ иштон, оёқларига амиркон кавуш кийиб

олган эдилар. Белларида эса янги атлас белбоғ. Меҳмонлар бундай ўзбекона либосда Ғафур акани биринчи марта кўришлари эди. Улар ҳайратомуз, ҳурмат, эҳтиром ва меҳр ила алломага суқланиб боқишарди. Ғафур ака меҳмонларнинг таажжубланганини сездилар-да, албатта ўзлари гап бошладилар: “Сенлар ҳали ёшсанлар, улғайган сайин кўп нарсаларни тушунасанлар ва миллатнинг қадрига етасанлар, албатта. Яна бир нарсани айтиб қўяй. Тил билган яхши, рус ва чет тилларни билиш керак. Лекин она тилимизни, ўзбек тилини унутманглар. Мени Ғафур Ғулом қилган, бутун жаҳонга танитган ҳам она тилим — жон тилим бўлади. Худо хоҳласа, бир замонлар келадик, ўзбек тили умуммиллат, умумжаҳон тилига айланади. Биз халқаро минбарлардан туриб она тилимизда нутқлар сўзлаймиз, чет элликлар ўзбек тилини билиш, ўрганиш иштиёқида бўладилар”.

Бу қароматли сўзларни эшитар эканман, бир ибратли, ажойиб воқеа ёдимга келди. Мен диссертация ёқламасдан 10 — 15 кун илгари Ғафур акани кўргани шифохонага борганимда уларнинг кайфиятлари жуда аъло экан. Ҳол-аҳвол сўрадилар. Диссертацияга ёзилган илмий тавсияни ҳам бердилар. (Мен бу тавсияни ҳамон кўз қорачигимдай сақлаб келаман.) Кетишга рухсат сўрасам: “Сен бир оз ўтириб тур. Ҳозир мени кўргани Шароф Рашидович келадилар, сени таништириб қўяман”, дедилар. Бир оздан сўнг палатага Шароф Рашидович кириб келдилар. Икки улуғ зот қучоқлашиб кўришдилар, самимий ҳол-аҳвол сўрашдилар. Сўхбат асносида Ғафур ака мени Шароф акага таништирдилар. Шароф Рашидович касби коримни, диссертация мавзуини суриштирдилар. Мен Россия — Эрон дипломатик алоқалари ҳамда А.Грибоедовнинг дипломатик фаолияти ҳақида диссертация ёзганимни айтиб бердим. “Укам, яхши мавзу танлабсиз. Бундай тадқиқотлар жуда керак. Келажакда Ўзбекистонимиз чет давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатади. Ўз дипломатларимиз, элчихоналаримиз бўлади. Ўзбекистоннинг қадимий шон-шухрати ғарбу шарқда баралла янграйдиган замонлар келади, албатта”, — дедилар Шароф ака.

Мустақиллик туфайли икки улуғ зотнинг орзу-армонлари, ниятлари рўёбга чиқди. Ўзбек миллатини, ўзбек халқини эндиликда бутун жаҳон билади, ҳурмат қилади. Минг афсуски, ана шундай шарофатли, муборак кунларни кўриш икки улуғ инсонга насиб этмади.

ҒАФУР АКАНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистон халқ артисти, машҳур санъаткор Амин Турдиев билан ҳамсоя эдик. Аминжон ака табиатан қувноқ, вазмин, ақл-заковатли инсон эдилар. Бадий адабиётни, назм ва насрда ёзилган асарларни кўп ўқирдилар. Актёр хонадонида кўпгина адиблар, санъаткорлар, маданият арбоблари тез-тез йиғилишиб турарди. Бир куни Аминжон ака уйида таниқли адиб Тўхтасин Жалолов меҳмон бўлдилар.

Адиб ва санъаткорнинг суҳбатлари Ғафур Ғуломга келиб тақалди. Икковлари бири олиб, бири қўйиб Ғафур аканинг илоҳий истеъдоди, шахсий хислату фазилатларини мақтаб кетдилар. Аллома билан суҳбатлар, мулоқотлар, ҳазил-ҳузуллар ҳақида гурурланиб, тўлқинланиб гапирдилар.

Санъаткорнинг довуғи тарқалган, ҳар бир роллари халқ оғзига тушган бир пайтда Аминжон акани Ҳамза театрига (ҳозирги Миллий театрга) директор қилиб тайинлабдилар. Ёш актёр янги лавозимдан хурсанд бўлиб, ташкилий ишларга боши билан шўнғибди-ю, спектаклларда камроқ кўрина бошлабди. Шу кезларда театрга Ғафур Ғулом келиб қолибдилар. Янги директор у кишини иззат-икром билан кутиб олипти, директор кабинетида чойхўрлик қилиптилар. Кабинетда йиғилганлар тарқалгач, Ғафур ака Аминжон акани исканжага олиб: “Хў бола, сенга ихлосим баланд эди. Актёрлик истеъдодинг, яхши овозинг бор. Ҳақиқий актёрнинг уй-жойи, иш кабинети ҳам саҳнада бўлиши керак. Сени нима жин уриб ролни амалга, саҳнани мана бу кабинетта алмаштирдинг? Амал, лавозим — бу ўткинчи нарса, у ҳеч кимга вафо қилган эмас. Укам, бу амални ташла. Ҳе, ўша мўйловингдан ўргилдим сени”, — деб шарт ўринларидан туриб кетиптилар. (Ўша кезлари Аминжон ака ҳавас қилиб, мўйлов қўйган эканлар.) Шундан кейин эртаси кун Амин Турдиев директорликдан бўшаш ҳақида ариза берибдилар. “Ғафур аканинг аччиқ гаплари, куюнишлари бўлмаганда эди, мен санъатдан жудо бўлардим”, дея ҳикояни тугатдилар Аминжон ака.

Тўхтасин Жалолов ҳам аллома билан бўлган ажойиб суҳбатлардан бирини ҳикоя қилиб бердилар: “Бир куни Ғафур аканинг уйларига бордим. Мени самимий кутиб олдилар. Биз анчагача мумтоз адабиёт ҳақида, буюк адибларнинг ижоди борасида суҳбатлашдик. Қайси бир шоир ҳақида гап кетмасин, Ғафур ака унинг шеърларини ёддан айтиб берардилар. Айниқса, Умар Хайём, Саъдий, Навоий, Жомий ғазалларини ўқиганларида

аллома яйраб кетардилар. Менинг асосий мақсадимдан бири Бедил ва Машраб ижоди хусусида алломанинг фикрларини билмоқ эди. Биламанки, бу икки улуғ зотлар ижодини Фафур акадек тушунадиган инсон йўқ. Шу боис бу зотлар ҳақида гап бошладим. “Сен, бола, мени синамоққа ўхшайсан-ов, сен менинг қитиқ патимга тегяпсан. Бедил ва Машрабни жондилимдан севишимни ва уларнинг илоҳий ижоди ҳақида кўп гапирмаслигимни яхши биласан. Сенга маслаҳатим шуки, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда жуда эҳтиёт ва ҳушёр бўл, руҳи покларини ранжитма”, — дея қойидилар”.

Тўхтасин ака Фафур аканинг кайфиятлари бузилиб, тажанг бўлганларини сезиб, хушомадга ўтибдилар. Яқинда чиққан шеърларини ёддан ўқиб, роса мақтабдилар. Вазиятдан фойдаланиб анчадан бери айтолмаган гапларини айтишга жазм қилибдилар. Тўхтасин аканинг айтишларича, Шекспир асарларининг таржимаси билан қизиққан пайтларида “Отелло” таржимасини синчиклаб ўқиб чиққанлар. Таржима шунчалик равон қилинган эдики, оригиналдан сира қолишмасди. Таржимани эса Фафур Гулом қилган эдилар. Хушомадни ана шу “Отелло”дан давом эттириб, “Фафур ака, сиз улуғ шоиргина эмас, улуғ драматург ҳам экансиз”, — дебдилар Тўхтасин ака.

Фафур ака хушомаддан анча юмшаган бўлсалар-да, жиддий тусда: “Укам, биласанми, бу буюк асарни она тилим, ўзбек тилининг буюклигини исботлаш, кўз-кўз қилиш учун қилганман. Қани айт-чи, ўзбек тилининг Шекспир тилидан қаери кам?!” — дебдилар.

“Ўзбек тили ҳақидаги бундай ҳайратомуз таъбирни Фафур акадан биринчи бор эшитишим эди. Аллома билан бўлган суҳбат бир умрга дилимга, миямга муҳрланиб қолган. Бирор илмий ёки бадиий ишга қўл урсам, Фафур аканинг ҳикматли гаплари ёдимга келади”, — дедилар Тўхтасин ака.

БАҲРИ ОПА ҲУЗУРИДА

Баҳри опа республикада маърифатпарвар, китобсевар ва зиёкор аёллардан бири эдилар. Опа бутун куч-ғайратларини, умрларини маънавиятга, маърифатга багишладилар. Аввал турли масъул ишларда хизмат қилдилар. Сўнгра республикада китоб савдосига раҳбарлик қилдилар.

Баҳри опа кўринишдан жиддийроқ бўлсалар-да, ғоят самимий, инсонларга меҳр-мурувватли, дилкаш аёл эдилар.

Баҳри опа билан суҳбатлашган, мулоқотда бўлган ҳар қандай киши опанинг меҳриғиёси бор, деб ўйларди. Инсоннинг руҳини, кайфиятини кўтариш, лозим бўлса унга таскин, тасалли беришда Баҳри опага етадигани йўқ эди. Идорада, оилада бўлмасин, йиғинлар, тўю маъракаларда бўлмасин опа ҳамиша инсонларга ёқадиган ширин гапларни топиб гапирар, маърифат ва маънавият нурлари балқиб турган асарларни тарғиб ва ташвиқ қилишдан чарчамасдилар. Қариндош-уруғми, таниш ё нотаниш кишими, ҳузурларига ким кирса, албатта, чиққан китобларни кўз-кўз қилардилар. Уларни китоб йиғишга даъват этардилар. Агар менга ҳисобсиз мол-дунё насиб этса, барига китоб олардим, дердилар Баҳри опа. Опа туфайли кўп қариндошлар, ёру дўстлар ҳамда шоиру ёзувчилар бебаҳо, нодир ва ноёб китобларнинг соҳиби бўлганлар.

Бирор яхши роман, дoston, қисса ёки тўплам чиқса, дастлабки нусхаси Баҳри опа қўлига тегар ва уларни, албатта, опа ўқиб чиқардилар. Айниқса, илм-фан, адабиёт, санъатимиз ривожига, тараққиётига оид адабиётларни кўрсалар, қувониб кетардилар.

Бир куни обуна масаласида идораларига бордим. Баҳри опа ўзларида йўқ хурсанд эдилар. “Яхши келдингиз, мулло Фатҳулло, қадамингиз қутлуг экан”, — дея столда қалашиб ётган китоблар орасидан русча-ўзбекча 4 жилдлик китобнинг охириги жилдини кўрсатдилар. Шу пайт эшикдан Фафур ака кириб келдилар. Ака-сингил самимий кўришдилар. Бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашгач, Фафур ака гап бошламай туриб, Баҳри опа лўғатни мақтай кетдилар: “Ака! Қаранг, тилимиз бойлигини бутун дунёга кўз-кўз қиладиган лўғат чиқибди. Мен деярли барча республикаларга қўнғироқ қилиб, миллий лўғатларини суриштирдим. Бирортасида бундай мукаммал катта лўғат чиқмаган экан. Тилчи олимларга, ноширларга минг раҳмат”.

Фафур ака сингилларининг гапларини меҳр билан эшитар эканлар, худди шу лўғат нашр қилинганини билиб келганларини айтдилар. “Баҳри, биласанми, мен она тилим шайдосиман. Нашр этилган барча лўғатлар ёзув столида туради. Уларни фарзандларимга ҳам олиб берганман. Гоҳ-гоҳида шу лўғатлар асосида уларни имтиҳон қилиб тураман. Сен ҳам болаларингни синовдан ўтказиб тургин. Бизнинг авлод-аждодларимиз, фарзандларимиз учун ўз она тилини бурро билиш ҳам фарз, ҳам қарзидир”.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Баҳри опанинг оиласи, фарзандлари ҳам миллатпарвар, маърифатчи оналари ва тоғаларининг хайрли ишларини давом эттирмоқдалар.

БИР ТҶҲ ТАРИХИ

Ғафур ака яқин қариндош-уруғларига жуда меҳрибон, мурувватли бўлганлар. Аллома уларнинг туриш-турмушлари, тирикчилиги билан доим қизиқардилар. Қўлларидан келганча уларга моддий-маънавий кўмак берардилар. Авлод-аждоддаги ҳар бир ёшу қари, айниқса, қизу ўғил ёшлар ҳамиша у зотнинг назару назоратида бўларди. Ёшларга гўдаклигидан тортиб балоғатга етгунча гамхўрлик, меҳрибонлик ва оталик қилардилар. Айниқса, ёш қариндош-уруғларни бир-бирларига қовуштириш, уларни оилали қилиш ғаму ташвиши билан яшардилар. Авлоддаги балоғатга етган йигит учун келин топиш, қиз учун кўёв излашни ҳам Ғафур ака ўз зиммаларига олардилар. Сабаби, у кишининг таъбирича, насл-насаб бузилмасин, дердилар. Ғафур аканинг бундай хайрли, савобли фазилатлари шарофати бўлса керак, қариндош-уруғлар шу вақтгача Ғафур Ғулом насл-насабига доғ туширмадилар. Билъакс, алломанинг ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари Ғафур ака сулоласининг муборак ва муқаддас шон-шухратини авайлаб-асраб келмоқдалар. Ғафур аканинг Рисқи қори аталмиш акалари, Савринисо исмли опалари, Раҳбарнисо ва Баҳринисо аталмиш сингиллари бўлган. Аллома опалари ва сингилларининг фарзандлари тақдири, уларнинг илмли-билимли, оилали бўлишларига эътибор берганлар.

Бир кун опалари тўнғич ўғилларини уйлантириш тараддуида акаларига маслаҳат солибдилар. Ғафур ака биринчи жиянимни ўзим уйлантираман, келинни ўзим топаман, дея ваъда берибдилар. Менинг Нафисахон исмли опам бор эдилар. Ғоят гўзал, кўркем, қўл-оёқлари чаққон, барно қиз бўлганлар. Уйимизга деярли ҳар куни совчилар келарди. Улар билан муомала қилган ойимиз ва аммаларимиз совчиларнинг насл-насабини синчиклаб суриштирар, бирон баҳона билан уларга рад жавобини берардилар. Дадам опамнинг инон-ихтиёрини опаларига топшириб қўйган эдилар. Чунки, аммаларим жуда зукко, ақл-фаросатли, доно аёллар эдилар. Айниқса, Орифахон аммам ғоят оқила, билимдон, кўпни билган ва кўрган аёл бўлиб, қариндош-уруғлар, қўни-

қўшнилар ичида обрў-этиборлари катта эди. Хотиралари шундай кучли эдики, авлод-аждодаларининг 100 — 200 йиллик тарихини, насл-насабини билардилар. Фафур ака Орифахон билан суҳбатлашишни хуш кўрардилар. Аммамиз Навоий, Фузулий, Фурқат, Муқимий ғазалларини ёддан билар эдилар. Келин борасида опаларига ваъда берган Фафур аканинг мақсади опамиз Нафисахонни жиянларига олиб бериш экан. Гап очилганда, аммамиз қизимизнинг инон-ихтиёри дўстингиз Мирзаабдуллода, ота розилигини олиш даркор, дептилар. Дадамиз дилкаш, очикқўнгил бўлсаларда, жуда тўғрисўз, чўрткесар эдилар. Ваъда берсалар, албатта, уни бажарар, бекордан-бекорга ваъда бермасдилар. Фафур ака дадамнинг феълларини жуда яхши билар ва шунга яраша муомала қилардилар. Шу боис ҳам Фафур ака жуда хушёрлик, эҳтиёткорлик билан гап очибдилар. Албатта, ўша пайтлари опамиз Нафисахон 18 ёшга кирган, бўй етган вақти. Қиз болани ўз вақти соатида узатиш, уйли-жойли қилиш зарурлигини дадамиз яхши билардилар. “Фафур, — дебдилар дадамиз, — сен яқин дўстим сифатида қизимнинг бахтли бўлишини хоҳлайсан. албатта. Ўзинг биласан, қизим якка-ёлғиз, кўзимнинг оқу қораси, шамчироғимдир. Шу сабабли ҳам кўплаб харидорларни рад этмоқдаман. Нимагадир юрагим чопмаяпти. Сабр қил, ўйлаб кўрай”. Бир оз фурсат ўтгандан сўнг Фафур ака яна ҳужум бошлабдилар. Дадам бир оз юмшаб: “Ёшлар бир-бирини кўрмаса, билмаса, қандай қилиб бир-бирларига кўнгил қўядилар”, — дебдилар. “Ҳожим, бунисини менга қўйиб бер, биласан-ку, бундай ишларга устаси фарангман”, — дея дадамни кўндирибдилар.

Нафисахон опам иболи, иффатли, уятчан, тортинчоқ эдилар. Кўча-кўйга, қариндош-уруғларникига аммаларим ила борар, бирор номаҳрам кишига тикилмасдилар. Шу боис ҳам келаётган совчилар йигит қизни кўрсин, десалар, бунга сира кўнмасдилар. Опамнинг бундай қилиқларини Фафур ака яхши билардилар. Шу боис ҳам опамизга жиянлари ҳақида лом-мим демаганлар. Шу орада Савринисо хола ҳам совчиликка бир неча бор келиб кетдилар. Бироқ опамизни йигит билан учрашувга ҳеч ким кўндирилмади.

Кўнлардан бир кун эшигимизни бир йигит тақиллатиб келди. Эшикни аммам очиб қарасалар, қош-кўзи қоп-қора, истараси иссиққина йигит. У салом бериб, монтер эканини, счётчик ва симларни текшириши лозимлигини айтибди. Аммам

бунга ишониб, йигитни ҳовлига киргизганлар. Йигит счётчикни кўрарда-кўрмай уйлардаги электр симларни текшира бошлабди. Лекин кўзи олазарак, кимнидир қидираётган эмиш. Шу пайт боғдан ҳовлига опамиз чиқиб қолибдилар. Нигоҳлари йигитга тушгач, чопганча кўмирхонага қочибдилар. Аммалар бу ҳолатни кўриб, бунда бир сир бор эканини пайқабдилар. Йигит ҳам шоша-пиша, қизарганича жуфтакни ростлаб қолибди. Аммам эшикни ёпишга борганларида у Фафур аканинг уйига кириб кетганини кўрибдилар. Кечқурун аммамлар дадамларга ва барчамизга бу воқеани кула-кула гапириб бериб: “Оббо баччағаре, бу Фафурнинг шумлиги”, — дея воқеага тавсиф бердилар. Ҳар куни ҳовлимизга кирадиган Фафур ака бир-икки кун қораларини кўрсатмадилар. Аммамиз гарчанд Савринисо опага қуда бўлишга рози бўлсалар-да, гапни насл-насабга бурардилар. Дадам ҳам аммамнинг ўринли гапларини рад этолмаганлар. Кейинчалик бу муаммони Фафур аканинг ўзлари ҳал қилиб бердилар: “Демак, икки оиланинг насл-насаби бир-биридан қолишмайди. Бу ёқдан хотиржам бўл, дўстим”, — дебдилар Фафур ака. Дадам Фафур аканинг далилу исботларидан қаноат ҳосил қилсалар-да, ҳозир тўйга тайёр эмасликларини, эл-юрт уруш ғам-ташвишларини, азоб-уқубатларини тортаётган бир пайтда карнай-сурнай ярашмаслигини айтибдилар. Фафур ака бунга ҳам гап топиб, икки ёшни бир-бирига қовуштириш, янги оила қуриш савобли ва хайрли иш эканини дадамларга ва аммамларга тушунтиришга ҳаракат қилибдилар. Ўша кунлари Фафур ака деярли ҳар куни уйимизга кириб, опаларини, поччаларини мақтаганлари мақтаган эди. Хуллас, Фафур ака оиламизни тўй бошлашга кўндирди.

Тўй 1944 йилнинг баҳор ойларида, уруш авжи қизиган паллада бўлиб ўтди. Қаҳатчилик, йўқчилик сабаб тўй ҳам баҳоли қудрат камтарона ўтди. У пайтларда дастурхон ғарибона безатилар, озгина майиз, туршак, парварда қўйилар, дастурхоннинг у чети-бу четида нон кўринарди, холос. Куёв жўралар, айниқса, куёв томондан келган болалар бир зумда дастурхонни шипшийдам қилдилар. Ҳамон эсимда, биз, қиз томон болалар ҳам тўй баҳона қорин тўйгазиб олганмиз.

Фафур ака таъбирларича, опамиз 20 танобли боғу рогли хонадонга келин бўлдилар. Боғлари гоят ажиб, гўзал эди. Ишкомларда олтиндек товланган ҳасайинию ҳусайнилар, бувакию чарослар, каттақўрғону кишмиш узумлар кўзингизни қамаштирарди. Ўрик, нок, шафтоли, олма, гилос,

олхўри каби хилма- хил меваги дарахтларни кўриб, баҳри-
дилингиз очиларди. Боғдаги катта ерда сабзавотлар — помидор,
бодринг, бақлажон, картошка, пиёз, хуллас, рўзгорга нима
зарур бўлса, шулар экиларди. Улардан ташқари, Йўлдош почча
хўкиз, сигир, хачир, кўй боқардилар. Боғни обод қилиш,
деҳқончилик ва молларга қараш Йўлдош почча зиммаларида
эди. Почча бир сўзли, хушчақчақ, меҳмондўст, сертакаллуф
эдилар. Боғда деярли ҳар куни базми жамшид бўлар, унинг
ташкилотчиси, жўрабошиси Фафур ака эдилар. Йўлдош
поччанинг Воҳид, Баҳодир исмли ўғиллари, Маҳфузахон,
Сурайёхон, Мавжудахон аталмиш қизлари бор эди.

Савринисо ая қайнона сифатида ҳам Нафиса опамизни ўз
фарзандидек кўрар, катта уй-рўзгор юмушларида келинни
толиқтирмасликка ҳаракат қилардилар. Поччамиз Воҳид ака
опамизга монанд меҳнаткаш, хушмуомала, одамшаванда инсон
эдилар. У киши ҳам меҳнатда суяги қотган, ота-онанинг доимий
тарбияси ва назоратида бўлганлар. 17 ёшларида техникумни
битириб, алоқачи техник бўлиб ишлай бошлаганлар.

50-йилнинг бошларида Воҳид ака Ленинграддаги
электротехника алоқа институтига ўқишга юборилади.
Институтни аъло баҳолар билан бителиб келгач, алоқа
соҳасида юқори лавозимларда ишлай бошладилар. 1962 йилда
Воҳид Йўлдошевич республика алоқа министрининг
ўринбосари лавозимига тайинланади. Бу лавозимда у
кишининг муҳандислик ва ташкилотчилик қобилияти янада
барқ уради. 1964 йилда Шароф Рашидовнинг ташаббуслари
ва саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон алоқа министри қилиб
Воҳид Йўлдошев тайинланди. Янги министр бор куч-
ғайратини, муҳандислик қобилиятини республикада алоқа
тармоқларини ривожлантиришга, алоқа хизматини
яхшилашга сарфлади.

Биз ёдга олган буюк аллома Фафур Фулом, Йўлдош почча,
Савринисо, Раҳбарнисо, Баҳринисо аялар ва Воҳид
Йўлдошевдек ажойиб инсонлардан яхши ном, яхши
фарзандлар қолди. Улар ўз ота-оналари, авлод-аждодаларининг
шон-шарафини улуғлаб, ардоқлаб келяптилар.

АЛЛОМА ҲИММАТИ

Фафур аканинг Янгиариқ аталмиш мавзеда дала ҳовлилари
бўларди. Бир уй ва айвончадан иборат мўъжазгина қўرғонча

ва унга туташ 15 — 20 сўтих ер бор эди. Унда турли мевали дарахтлар, сабзавот ва кўкатлар етиштириларди. Ер чопигида, суғориш, ўташ ишларида ва ҳосил йиғиштиришда кўпинча кўни-қўшнилари ёрдамлашардилар. Эрта баҳордан ерни ағдариш, экинларни кетмон, теша чопиғи қилиш каби оғир меҳнатни қўшни деҳқонлар жон-дилдан бажарар эдилар. Чунки Фафур аканинг дилкаш суҳбатлари, ҳазил-мутойибалари ва аскияларига ҳамиша ишқибоз, маҳлиё эдилар. Ҳашарчи қўшнилардан бири Шокир полвон исмли йигит эди. Исми жисмига монанд, тоғни урса талқон қиладиган паҳлавонсифат Шокир ака камбагал, ночор оилада ўсган, суяги меҳнат билан қотган. Ўта камтар, соддадил, меҳр-шафқатли инсон эди. Меҳнатдан бўш пайтларида қўлларидан бедана тушмасди. Раҳматлик оталари ҳам беданага ўч эканлар. Фафур ака далага чиққан кунлари, албатта, Шокир акани топиб, гапга солар, икковлон ўзаро мулоқотдан, суҳбатдан ҳузур қилишар экан. Шокир полвон бўйдоқ эмасми, кўпинча Фафур ака қизлардан гап очиб, йигитга тегажаклик қилар, унинг юрак торларини чертар эканлар. Албатта, гаплар полвонга мойдек ёқса-да, биздек камбағалга ким тегарди, дея ўксинар эканлар.

Баҳор кунларининг бирида Шокир ака ҳаётида ажойиб воқеа юз берибди. Бу воқеани Шокир полвоннинг ўзлари таърифлаганлар: “Эрта тонг, қубайли саҳарда туш кўрибман. Узоқдан отам раҳматликнинг “Шокир-ей, Шокир”, деган овозлари эшитиларди. Овоз келган томон юрсам, отам оқ ятак, оқ иштонда, худди Хизр бувага ўхшайдилар. Ўғлим, тезроқ мана буни ол, дея енг ичидан бир нарсани узатдилар. Ёпирай, қарасам, худди хўроздек бедана. Уни қўлимга тутқаздилару, кўздан ғойиб бўлдилар. Кўзимни очиб қарасам, тушим экан. Бунақанги тушни умримда кўрмаганман. Таъбирини кимдан сўрашимни билмайман. Яқинларим, танишларим ичида ўқиган, доноси йўқ. Ҳаммаси ўзимизга ўхшаган оми одамлар, бегона фозил кишилардан сўрашга ийманаман, уяламан. Хуллас, ҳаловатим бузилди, гангиб қолдим. Уч-тўрт кун шу алфозда юрдим. Тушнинг бешинчи куни Қумлоқ гузарида иттифоқан Фафур акани учратиб қолдим. Кўзимга Хизр бувадек кўриндилар. Ахир, тушим таъбирини шундай улуг одам айтмаса, ким айтади, деган фикр миямга яшиндек урилди.

— Ҳа, Шокирвой, қалайсан, соғ-саломатмисан, кайфиятинг бузуқроқ кўринади, нима гап? — дедилар Фафур ака. Мен

ҳаяжонланиб дудуқланиб қолдим. Қани, буёққа юр-чи, дея пивохонага бошладилар. Ўриндиққа ўтиргач, гапир, дедилар. Одатда булбулигўё бўладиган одам тилимга калима келмайди. Туриб, икки кружка пиво келтирдим-да, бир кружкасини дам олмай симирам ва гап бошладим. Тушимни оқизмай-томизмай айтиб бердим. Фафур ака жиддий тусга кирдилар ва узоқ ўйга толдилар. Мени ваҳима босди. Оббо, тушим ёмонга ўхшайди, бир кориҳол рўй бермаса бўлгани. Фафур акани ҳеч қачон бундай ўйчан, жиддий кўрмаганман. Бирдан Фафур ака хандон отиб юбордилар: — Шокирвой! Мени дилим, ниятим отангга аён бўлибди. У киши сенга валинеъматни ҳадя қилибдилар. Ўша бедана менинг қизим, Холидахон бўлади. Эрта-индин опангни совчиликка юбор, расм-русумини қилиб кетсин, — дедилар Фафур ака.

Бу тушимми — ўнгимми? Наҳотки, Фафур Фуломдек улуғ шоир камбағал, чаласавод кишига қизини раво кўрса? Бошим гангиб, ўзимни йўқотиб қўйибман, ҳаяжондан тилим айланмайди. “Ҳой, бола, эркак кишининг гапи битта бўлади, мен айтгандан кейин ишонавер, тўй тайёргарлигини кўравер”, — деганча Фафур ака пивохонадан чиқиб кетдилар. Хаёл дарёсида қанча сузганимни билмайман, буфетчи йигитнинг аста тurtганидан ўзимга келибман. Уйга бамисоли қушдек учиб борибман. Ака ва опаларимга бўлган воқеани қувона-қувона айтиб бердим. Ўша кун уйимизда тўй бўлиб кетди. Совчилар оқ ўраб келишди. Шундан бирор ҳафта ўтгач, мени ва оиламизни ғам босди. Акам жўжабирдек жон бўлса, зўрға рўзгор тебратса, мен ҳам заводда оддий ишчи бўлиб ишлайман, маошим ўзимдан ортмайди. Бунинг устига, жангу жадал, уруш кетяпти, ҳеч кимда ортиқча дастмоя йўқ, ҳамманинг ғам-ташвиши қорин тўйғазиш билан банд. Тўй бўлгандан кейин олди-берди бўлади, гўшт, гуруч, ун керак, мева-чева зарур, келин сарпо лозим. Тўйга қурбимиз етмасди. Бизнинг ночор аҳволимизни сезган Фафур ака мени йўқлатибдилар. Минг хижолат билан бўйнимни ҳам қилиб ҳузурларига бордим. “Куёв тўра, — дедилар бўлғуси дадам, — “Номи улуғ, супраси қуруқ”, деганларидек, менинг ҳам қўлим қисқа, қариндош-уруғ, ошна-оғайним кўмаги билан бир амаллаб тўйни ўтказармиз, ишқилиб иккалангиз бахтли бўлсангиз, бас”.

Шундай қилиб, оддий бўз бола — Шокир полвон улуғ шоир, машҳур академик Фафур Фуломга куёв бўлди”. Бундай

тантилик, хотамлик Фафур аканинг қонига, вужудига сингиб кетган эди.

Тўйдан кўп ўтмай Фафур ака Бешёғочдаги янги уйга кўчиб ўтдилар. Кадиободдаги катта ҳовлини Шокир полвон билан Холидаҳонга хат қилиб бердилар. Полвон Фафур аканинг марҳамати билан уйли-жойли ҳам бўлиб олди. Фафур аканинг Шокир полвонга айтган ҳазиломуз гаплари ҳамон ёдимдан чиқмайди: “Хў, бола, бу хонадон муборак ва муқаддас даргоҳ. Бу ерга Садриддин Айний, Лоҳутий, Толстой, Усмон Юсупов каби улуғлар қадами теккан. Мен шу уйда униб-ўсдим, обрў-этибор орттирдим. Шундай кошонани сенга ташлаб кетяпман. Шунга яраша иш қил, ҳаёт кечир”, — деганлар.

Хуллас, Шокир полвон билан Холидаҳон шу даргоҳда яшай бошладилар. Холидаҳон эрига монанд соддадил, камсуқум, бориға қаноат қиладиган сабр-тоқатли аёл эди. Бирин-кетин фарзандлар дунёга кела бошлади. Фафур ака биринчи бош набирани Холидаҳондан кўрганлар. Дастлабки набира дарагини эшитган Фафур ака жуда қувонган, кимни кўрсалар, суюнчи улашган эканлар. Шокир полвоннинг айтишича, суюнчининг каттаси куёв болага теккан экан. Одатда набираларнинг исмини Фафур ака қўярдилар. Бош набира Абдулаҳад, иккинчиси Абдушукур, кейингиси Комила, тўртинчиси Тоҳира ва ҳоказо. Полвон бирин-кетин ўн фарзанд кўрди. Холидаҳон қаҳрамон она бўлди. Сўнгги ўнинчи фарзандга исм қўйиш Фафур акага насиб этмади. Унинг исмини Ҳалима Носирова Ифтихор деб атадилар. Шокир ака билан Холидаҳон турмуш қурганларидан сўнг бу оилада содир бўлган барча ҳодиса ва воқеалардан хабардорман. Оила қувончу шодликлари, ғам-ташвишларининг шоҳиди бўлганман. Фафур аканинг: “Сен шу оилада менинг ишончли вакилимсан, укаларингдан ҳамиша хабар олиб тур”, — деган васиятомуз гаплари ҳамон қулоғимдан кетмайди. Албатта, ўнта болани едириб-ичириш, кийинтириш, вояга етказиш осон эмасди. Фафур ака топганини барча билан баҳам кўрганлар, шу боис мол-дунё орттирмаганлар. Каттароқ қалам ҳақи тегса, дарҳол Холидаҳондан хабар олардилар, пул бўлмаганда ночор эдилар. Шокир полвон ва Холидаҳон ғоятда андишали, ориятли, айни пайтда ғурурли эдилар. Улар ҳеч қачон Фафур Фуломнинг фарзандларимиз дея мағрурланмаганлар. Шокир полвон камбағал бўлса ҳам, гап келганда отасини аямас, унча-мунча бойваччаларни назар-

писанд қилмасди. Дадам ўзлари шоҳид бўлган бир воқеани сўзлаб берган эдилар:

— Маҳаллада бўладиган гап-гаштакка иттифоқо кириб қолдим. Тўрда савлат тукиб бир бойвачча ўтирарди. У Шокир полвоннинг ота ҳовлисига қўшни, полвон билан тенгдош оға-ини эди. Гап орасида Шокирга таънаомуз пичинг қилиб қолди: “Полвон! Кимсан Фафур Фуломнинг куёвисиз, лекин юриш-туришингиз, уй-рўзгорингиз андак ғариброқ кўринади. Бир-бирингиздан хижолат қилмайсизми?”

Шокир ака кулимсираб, истехзо билан жавоб қайтарибди: “Дўстим! Бошқаларга ўхшаб катта участкам, тагимда машинам йўқ, шоҳона яшамайман ҳам, лекин сиз айтган ғарибона ҳаётимдан хурсандман, чунки ҳалол меҳнатим билан топган пулимга бола-чақа боқаман. Худога минг марта шукрим, фарзандларимнинг ҳалқуми пок, тоза, бошқаларникига ўхшаш уй-рўзгоримга, касби коримга ҳаром-хариш қўшилмаган. Пок, ҳалол меҳнаткаш бўлганим учун ҳам Фафур Фулом мени куёв қилганлар”. — Полвоннинг аччиқ гапидан сўнг, ўтириш охиригача бойвачча лом-мим этмабди.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, фарзандлар вояга етиб, Шокир аканинг қўлтиғига кирдилар. Барча ўғил-қизлар меҳнат билан катта бўлди. Бириси чеварга шогирдлик қилди, иккинчиси ошпаз ва новвойнинг хизматини бажарди. Учинчиси бозорда аравакашлик қилди. Айни пайтда фарзандлар меҳнат ила ўқишни ҳам уддаладилар, кўплари олий маълумотли бўлди, катта ўғил Абдулаҳад алоқа муҳандиси, иккинчиси Абдушукур физика-математика фанлари номзоди, кейинги ўғил Абдуазиз катта рестораннинг директори, Комилахон — журналист, Жамолиддин автотранспорт муҳандиси, Ёкутой — шифокор, Жалолиддин физик олим. Хуллас, барча фарзандлар меҳнаткаш, оқил ва фозил инсон бўлиб етишдилар. Ўз ҳалол меҳнатлари туфайли ҳаммалари уйли-жойли бўлдилар. Улар ота-оналарига ўхшаш фарзандсевар, болажон чиқдилар. Ҳозирда ўн фарзанддан элликдан зиёд ўғил-қиз бор.

КАДИОБОД МАҲАЛЛАСИДА

1950 йилнинг баҳор кезлари. Мен ўқишдан қайтаётиб, маҳалламиз бошида Фафур акани учратиб қолдим. Улар бизнинг ҳовлига бормоқчи бўлиб турган эканлар. Саломлашиб,

маҳалла томон бирга кетдик. Кўчамиздан уйга кирадиган муюлишда улар жиддий бўлиб қолдилар. Сабаби, юқори Қумлоқ томондан Кадиобод маҳалла раиси Ақром ака келаётган эканлар. Ғафур ака раисга пешвоз чиқиб, бағоят тавозе ва ҳурмат билан салом бердилар. Ғафур аканинг ўта тақаллуфи, хоксорлиги менга эриш туюлди. Ғафур акага гап қотдим: “Сиз улуғ адиб, академик шоир, эл-юрт, халқ ардоқлаган, жумлаи жаҳон таниган инсонсиз. Ақром ака бир саводсиз, оми одам, Кадиободдан нарига ўтса уни ҳеч ким танимайди, писанд қилмайди. Намунча унга қуллуқ, хушомад қилмасангиз?”

Ғафур ака менга шундай жавоб бердилар: “Ўғлим, ҳали ёшсан, ғўрсан, маҳалла нима, маҳалла саркори ким, унинг вазифаси, мавқеи қандай, билмайсан, тушунмайсан. Маҳалла — бу барчамизнинг оиламиз. Раис эса, шу даргоҳнинг отаси, маҳалла аҳлининг раҳнамосидир. Маҳалланинг ҳар бир фуқароси ўз отасини қандай ҳурмат қилса, раисга ҳам шундай иззат-ҳурмат кўрсатиши керак. Маҳалладаги барча тадбирларни, тўю ҳашамларни шу раис уюштиради, бошқаради, маҳалла бошига бирор кулфат, мусибат тушса ҳам шу раис балогардон бўлади. Сенлар Ақром раиснинг фазилатларини билмайсанлар. Сен айтгандек, у оми одам эмас. Кадиободда кимки ўсиб-униб, эл-юртга танилган бўлса, шу раиснинг ва маҳалладошларнинг ҳиссаси бор. Мени ҳам Ғафур Ғулом қилган, яхши, ёмон кунларимга яраган шу маҳалла бўлади. Асарларимдаги барча ижобий образларни маҳалладаги меҳр-оқибатли, кўнгли, дили пок, камтару камсуқум кишилардан олганман. Ўғлим! Маҳаллага, маҳалла сардорига шаккоклик қилманглар. Кейинчалик, катта бўлганингда гапларимнинг мағзини чақиб оласан”. Ғафур ака маҳалла аҳлидан, кўни-қўшнилари ҳолидан бохабар бўлиб турар, лозим бўлганда уларга ёрдам қўлини узатар эдилар. Ўзим шоҳиди бўлган бир воқеани сўзлай: маҳалламизда Фазилат хола исмли кекса аёл яшардилар. Ўзлари бева, бир фарзандлари авахтада, иккинчиси бошқа шаҳарда истиқомат қиларди. Шу боис ҳам Фазилат хола фақирона, ночорликда кун кечирардилар. Бир куни синглим Тарих музейини томоша қилгани борса, экспонатлар ичида бир гуруҳ аёллар суратига кўзи тушибди. Улар ичида Фазилат хола ҳам бор экан. Сурат тагига бу исёнкор аёллар 1916 йили Тошкент кўзғолонида қатнашганлар, деб ёзилган экан. Синглим бу хушхабарни Фазилат холага

етказибди. Фазилат хола ўша куніёқ ҳовлимизга чиқиб, бошидан ўтказган воқеаларини дадамга ҳикоя қилиб бердилар. Эрларини мардикорликка олгани учун оқ пошшога қарши кўзғолонда қатнашган, пошшо аскарлари билан олишган эканлар. Шунини ҳукуматга айтсанглар, зора мен гарибга ёрдам қилса, дебдилар Фазилат хола. Дадам Мирзаабдулла бу воқеани Фафур акага етказибдилар. Хуллас, Фафур ака ва дадамнинг саъй-ҳаракатлари билан Фазилат холага алоҳида хизматлари учун шахсий пенсия тайинланди. Ижтимоий таъминот министрлиги холага доимо ҳомийлик қилиб, керакли озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турди, уй-жойларини таъмирлаб берди. Умрида бундай иззат-икром, саховатни кўрмаган Фазилат хола умрининг охиригача Фафур ака ва дадамларни дуо қилиб ўтдилар.

Маҳалламизда Ҳусан ака исмли ўта камтар, хоксор инсон бўлардилар. Кексайган чоғларида кўча супуриб, қоровулчилик қилиб тирикчилик қилардилар. Қувноқ, ҳазилкаш инсон эдилар. Фафур ака билан ўзаро ҳазил-мutoйиба қилишарди. Ҳусан ака кўринишидан хитойга ўхшаб кетар, гоҳ-гоҳида хитойча ҳам гапириб кўярдилар. Албатта, хитой тилини билмасалар ҳам билгандек хитойча талаффуз қилардилар. Фафур ака билан Ҳусан ака ўртасида “хитойча” аскиялар бўлар, уларни маҳалладошлар мириқиб эшитардилар. Кунлардан бир кун Фафур ака Ҳусан аканинг илгариги касби корини суриштирибдилар. Ҳусан ака бор ҳужжатларини кўрсатибди. Улардан маълум бўлишича, Ҳусан ака ўзбекдан чиққан биринчи паровоз ҳайдовчиси эканлар. Хокисорликни қарангки, ҳеч кимга бу сирни айтмаганлар. Сирдан воқиф бўлган Фафур ака Ҳусан акани роса койибдилар. Ахир биринчи трамвай ҳайдовчиси иззат-икромда бўлса, отни калласидек нафақа олса-ю, сен хомкалла кўча супуриб юрсанг, дея Ҳусан акани изза қилибдилар. Шундан сўнг Фафур ака идорама-идора юриб, Ҳусан ака обрўсини кўтаришга эришган эканлар. Алломанинг хотамтойлиги, камбағалпарварлиги ва саховатини исботловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ТЎЙДАН ЧИҚҚАН ЎҒРИ

Баҳор фасли эди. Дадам билан Фафур ака меҳмондорчиликдан кеч соат иккиларда қайтишган экан. Тахминан саҳар пайти бўлса керак, аммамларнинг: “Туринглар, ўғри тушди”, — деган

товушлари эшитилди. Чўчиб уйғонган дадам, ойим ва биз, болалар, хона деразасидан ҳовлига мўраладик. Дарҳақиқат, ҳовлимизда девқомат бир киши эшик қидиргандек гандираклаб юрарди. Дадам ҳовлига чиқишга интилса-да, ойим этақларидан ушлаб, дадамни қўйиб юбормасдилар.

Бир вақт ҳовли эшиги тақиллади. “Ҳожим, эшикни оч, тезроқ оч”. Бу — Фафур аканинг ҳаяжонли овози эди. Лекин эшик очишга ҳеч ким журъат эта олмасди. Ўғри эса дод, ҳайқириққа бепарво, ҳовлини гир айланарди. Бир пайт зарб билан тепилган эшик очилиб, ҳовлига Фафур ака кириб келдилар. Дадам ҳам ойим қўлидан чиқиб, деразадан ҳовлига отилдилар. Икковлон калла қўйиб ўғрини йиқитиб, дўппослаб кетишди. Уларга қўни-қўшнилари қўшилди. “Ҳой, халойиқ, шошманглар, навбат билан уринглар, бараварига урсанглар, ўғрини ўлдириб қўясизлар, кейин жавобини мен билан Ҳожим берадимиз?” — дердилар Фафур ака. Ўғри эса оломон калтагидан ўзини ҳимоя этмас, гўё калтак зарбини писанд қилмай, ғиқ этмай ётарди. Бундан шубҳаланган Фафур ака дадам билан кўз уриштирдилар-да, ур-сурни тўхтатиб, қўшнилари тарқатишга даъват этдилар. Одамлар сийраклагач, “Ҳожим, назаримда, ўғринг ўғрига ўхшамайди. Ҳақиқий ўғри бўлса, лоақал қочишга ёки ўзини оқлашга уринарди, бунингга гапиришга ҳам мадори йўқ, қаттиқ мастга ўхшайди”, — дедилар. Икковлон ўғрининг хатти-ҳаракати, қаердан, қандай қилиб ҳовлига киргани тўғрисида гаплашдилар. Ҳовли эшиги занжирланган. Томлар баланд, демак, ҳовлига боғчамиз орқали кирган. Боғда қўшни Чигитбоши маҳалласига чиқадиган жойимиз бўларди. Қўшнилари бири, Чигитбошида катта тўй базми бўлувди, эҳтимол, бу киши адашган меҳмондир, деди. Бу тахминдан хушёр тортган дадам билан Фафур ака қўшнини тўйхонага жўнатиб, ўғрини ўзига келтиришга киришдилар. Тезда уни ювинтириб, кийим-бошини қоқиб, чўткаладилар. Ичкиликданми, калтак зарбиданми, ўғри ўзига келмай, эсанкираб дудуғланарди. Бир оздан сўнг ўзига келган ўғри қаердалигини сўрай бошлади. Шу пайт тўйхона соҳиби келиб, ўғри Бўкадан келган азиз меҳмон эканлигини айтиб, узр сўради. Буни эшитган Фафур ака баланд келдилар: “Мезбон деган ҳам шундай бепарво, бераҳм бўладими? Бегона шаҳар, бегона маҳаллага келган меҳмонни роса ичирибсиз, боз устига, назорат қилмабсиз. Афти ангорини қаранг...

Бадмастликдан йиқилавериб моматалоқ бўлиб кетибди. Ҳожим билан ювиб-тараб, зўрға эпақага келтирдик. Яхшиям милиция чақирмадик. Сизни ҳам, меҳмонни ҳам шармандаси чиқарди”. Бу танбеҳ ва таъналардан тўйбоши хижолат чекар, ўзини айбдор ҳис қиларди. Кўплашиб ўғри меҳмонни тургазиб кузатар эканмиз, тўй эгаси ҳам қайта-қайта узр ва кечирим сўрарди. Йўлакка чиққач, Фафур ака меҳмонга шундай дедилар: “Ўғригина ўртоқ! Яна Тошкентга йўлингиз тушса, бизникига, албатта, қўниб ўтинг, лекин фақат кундузи, ўғрисифат эмас, меҳмонсифат, ҳушёр бўлиб келсинлар”.

КАЛТИС ҲАЗИЛ

Кадобод маҳалласида бўладиган тўй-ҳашамлар, тантанали маросимлар, гап-гаштак ва тўкмалар ғоят гаштли, фойзли ўтарди. Бундай маросимларнинг доимий фаоллари, жўрабошилари бўларди. Шулардан бири Аҳрор амаки эдилар. Улар табиатан ўта қувноқ, шўх, дилкаш ва шойртабиат бўлганлар. Бегим кунлари кечқурун эркаклар тўпланишиб, албатта, Аҳрор амакини йўқлатишарди. Амаки йўқ кунлари гўё маҳаллада сув қуйгандек жимжит бўларди. Аҳрор амаки кўчага чиқсалар, албатта, кичик чилдирмаларини олиб чиқардилар ва чилдирма чалиб, гоҳ ашула, гоҳ лапар, гоҳ айтишувлар айтардилар. Йиғилган улфатларни ўйинга тортардилар. Баъзи-баъзида чилдирма чалиб, фол очардилар. Фафур ака амаки билан ҳазиллашар, кўпинча уларга жўр бўлиб, бирга ашула, ғазалхонлик қилардилар.

Фафур ака қатнашган давра қизигани-қизиган эди. Аҳрор амакининг илҳоми ҳам жўш уриб кетарди. Ашула устига ашула, лапар устига лапар ва аскиялар авж оларди. Маҳалла аҳлининг телевизори ҳам, киноси ҳам, томошаси ҳам шундай қувноқ давралар эди.

Бир куни Аҳрор амакининг касал бўлганлиги ҳақида хунук хабар тарқалди. Фафур ака дадам билан бориб, Аҳрор амакини кўрмоқчи бўлибдилар. Бозор-ўчар қилиб, амакининг уйига ташриф буюришибди. Дарвозага қадам қўяр-қўймас, Аҳрор амакининг хиргойиси эшитилибди. Ҳовлидан юриб то уйга киргунларича Аҳрор амаки кўрпа-тўшак қилиб олибди. Бетўхтов оҳ-воҳ, қандай бедаво дардга учрадим-ей, дея фарёд чекармишлар. Ранг-рўйлари, кайфиятлари ҳам касалнинг ўзгинаси эмиш. Бир дам илгари хиргойи қилиб турган инсон

шунчалар ўзгаришига ҳайрон бўлган дўстлар Аҳрор амакидан ҳол-аҳвол сўрашибди. “Укам Фафуржон, Махсум укам! Аҳволим оғирлашиб боряпти, куним яқинлашганга ўхшайди, мендан бохабар бўлинглар”, дебдилар Аҳрор амаки. Дадам ачингансимон тасалли бергандек бўлибдилар. Фафур аканинг шумлиги тутиб, дебдилар: “Энди, Аҳрор ака, “Олдин келган олдин кетади”, деган нақл бор, ёшингиз ҳам бир ерга етиб қолган. Шундай бўлса-да, Аллоҳ шифо берсин. Мабодо вақти қазо етса, албатта, халфа бувамларга салом айтинг”. (Халфа бува Аҳрор амакининг оталари бўлиб, катта домла, мударрис бўлганлар.) Аҳрор амаки инқиллаб-синқиллаб жавоб қилибдилар: “Мулла Фафур, аввало ажал ёш танламайди, баъзида олдин келган эмас, кейин келган ҳам бандаликни бажо келтиради. Зотан, саломингизни балким ўзингиз етказарсиз. Мабодо, мен рихлатга равона бўлсам, Халфа бувамга саломингизни, албатта, етказаман ва мендан кейин Фафуржон ҳам тезда етиб келади, дейман”.

Бу гапдан кейин Фафур ака Аҳрор амакини даст кўтариб олибдилар. Аҳрор амаки улфатлар ҳазилини эшитмоқ учун жўрттага касал бўлганликларини тан олибдилар. Улфатлар қалтис ҳазилдан роса кулишибди.

ФАФУР ҒУЛОМ ВА ШОИР ҚИРМОЧИЙ

Қумлоқ гузарига яқин жойда Асомиддинов Жамолиддин ака яшардилар. Табиатан мулойим, ширинсухан, хоксор ва ҳазил-мутуйибага ўч инсон эдилар. Шоиртабиат, бадиият шайдоси бўлганлари боис Фафур Ғуломга мухлис бўлганлар. Жамолиддин ака аллома хонадонига кўп келар, шоирлар йиғинларида дастёрлик қилардилар. Кўпинча Фафур ака янги ёзган шеърларини Жамолиддин акага ўқиб берардилар. Жамолиддин ака ҳам бирор нарса ёзса, Фафур акага кўрсатиб, маслаҳатларини олардилар.

Жамолиддин ака гузар боласи бўлгани сабаб, улфат, давра кўрган, Қумлоқ чойхонасининг фаолларидан эди. У киши чойхона паловни дўндириб пиширардилар. Кўпинча Фафур ака меҳмонларни Жамолиддин ака тайёрлаган антиқа палов ила сийлардилар. Одатда масаллиқ бир хил бўлса-да, чойхона палови билан хонадонда тайёрланган паловнинг фарқи бўларди. Лекин, Жамолиддин аканинг уйда тайёрлаган палови чойхона паловдан қолишмасди. Шундай паловни еган домла Шайхзода, “Фафур уйида ҳам чойхона очган”, дея ҳазиллашган эканлар.

Кунлардан бир куни Фафур ака уйларига меҳмонлар келадиган бўлди. Мени Жамолиддинни топиб кел, деб Кумлоққа югуртирдилар. Жамолиддин ака улфатлари билан чойхонада ошга уннаётган эканлар. Улфату ошни ташлаб, Фафур ака уйига шошилдилар. Кўй гўшти, кўй думбасидан масаллиқ тайёрланди. Мен ўчоққа олов ёқиб, Жамолиддин акага ёрдамлашдим. Ош тайёрлаш билан бирга Жамолиддин ака меҳмонларга ҳам қарашиб турардилар. Гуруч солишдан илгари уйга чиқиб кетдим. Бирор соатлардан сўнг Фафур аканинг овозлари эшитилди. Кўп ўтмай, дадам уйга ҳовлиқиб кирдилар-да, қандай овқат тайёрланганини суриштирдилар. Ўша куни пайшанба бўлиб, бизнинг уйда ҳам ош пиширилаётган эди. Палов дамланган экан. Дадам дарҳол икки лаган паловни Фафур аканикига чиқаришни буюрдилар. Маълум бўлишича, не сабабдандир Жамолиддин ака тайёрлаган палов тагига олиб кетибди. Буни кўрган Жамолиддин ака қочиб кетибдилар. Шу кетганларича уялиб, Фафур аканикига келмай қўйибдилар. Фафур ака бир неча бор йўқлатсалар ҳам қораларини кўрсатмабдилар. Бир куни мени чақириб, Жамолиддиннинг уйидагиларга бориб, улар Фафур акадан катта қарздор эканлар, тезроқ тўламасалар ёмон бўлармиш, деб айтгин, дедилар. Мен буйруқни бажардим. Шундан сўнг Жамолиддин ака Фафур ака хонадонларига кириб келдилар. Мен ўша куни Фафур ака фарзандлари билан ўйнаб юрган эдим. Фафур ака ҳеч нарса бўлмагандек Жамолиддин акани кутиб олдилар ва дедилар: “Ҳў, бола! Гуноҳингни кечирдим. Яхшиям ўша куни Махсум дўстим уйдан ош олиб чиқиб, мени хижолатдан қутқарди. Агар, ош бўлмаганида эди... Ош баҳона катта шоирлар каби тахаллусли бўлдинг. Сенга “Шоир Қирмочий” деган ном қўйдим, розимисан?!” — Жамолиддин ака осон қутулганига суюниб кетди. Фафур ака яна: “Сен ўша куни дарвозадан осонгина чиқиб қутулдинг. Мен ҳам Ҳамид Олимжон уйида ош дамлаб, куйдириб юборганман. Дарвоза яқинидаги сўри каравотда меҳмонлар ўтиргани сабаб, томдан нарвон қўйиб қочганман. Демак, ош куйдирган битта сен эмас!” — дедилар.

БИР ХҲРОЗ ВОҚЕАСИ

Фафур аканинг ҳовлиларига туташ девор-дармиён ҳовлида Хосият хола исмли аёл яшарди. Хосият хола табиатан шаддод, тўғрисўз, соддадил аёл эдилар. Бир уй, бир даҳлиздан иборат

жуда тор ҳовлилари бор эди. Ана шу тор ҳовлида 20 — 30 та товуқ боқардилар. Паррандалар ичида хўрозлари кўпроқ эди. Табиийки, хўроз бўлгандан кейин вақти-вақти билан қичқириб туради. Эрта демайди, кеч демайди, қичқираверади. Бировга ёқади, бировга ёқмайди...

Ғафур ака одатда саҳар-мардонда туриб ижод қилардилар. Ана шундай кезларда Хосият хола хўрозларининг бирин-кетин қичқириғи Ғафур аканинг жигига, асабига тегаркан. Шундай кунларнинг бирида Ғафур ака Муҳаррам опани Хосият хола ҳузурига элчи қилиб чиқарибдилар. Муҳаррам опа хўрозлар устидан арз-дод қилганларида, Хосият хола: “Ғафуржон наmunча эрта туради ва нима иш қилади?” деб сўроқлабдилар. Муҳаррам опа у киши саҳарлаб шғър, ҳикоялар ёзади, дебдилар. Шунда Хосият хола: “Кап-катта, басавлат одам бошқа фойдали касб-хунар қилса бўлмайдими? Мен саҳарда туриб тоат-ибодат қилади, деб ўйлабман”, дебди. Хуллас, Муҳаррам опа товуқ-хўрозлар муаммосини ҳал қилолмаптилар. Хосият хола: “Менинг овунчоғим — эрмагим ва даромадим шу хўрозу товуқлар”, дебди. Устига-устак Хосият холанинг синглиси 5 — 6 та хўрозини опасиникига ташлаб кетибди. Бундан жигибийрон бўлган Ғафур ака маҳалла оқсоқоли Ақром акага арз қилибдилар. Ақром ака ғоят обрўли, барчанинг иззат-ҳурматида бўлган оқсоқол эдилар. Оқсоқол бир куни участкавой билан Хосият холаникига кириб борибди. Хотин киши эмасми, участкавойни кўриб, Хосият хола саросимага тушиб қолибдилар. Ақром ака узоқдан гап бошлаб, ҳозир ҳамма хонадонлардаги мол-ҳол, паррандалар ҳисобга олинаётгани ва уларга катта солиқ солинаётганини айтибди. У пайтларда солиқдан барча чўчирди, чунки ҳар қандай солиқ миқдори катта бўларди. Солиқ дарагини эшитган Хосият хола ночор паррандаларни йўқ қилишга ваъда берибди. Шундан беш-олти кун ўтгач, хўрозлар қичқириғи эшитилмай қолибди. Дастлабки кунларда икки ҳовли худди сув қуйгандек жимжит бўлибди, бироқ Ғафур ака ижодидан барака кўтарилибди. Шоир ҳайрон эмишлар. Бу ҳодисани Муҳаррам опага ҳам айтибдилар. Бир чеккаси Хосият опанинг дили оғриган ва ранжиган. Эр-хотин ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келишибди. Ғафур ака Хосият холани чақириб, “Мен солиқни бекор қилдим, паррандаларни боқаверинг”, — дебдилар. Хосият хола Ғафур акани дуо қила-қила яна хўрозу товуқ боқишга тушибдилар. Хўрозлар қичқириғи энди шоир асабига тегмай қўйибди.

ҚУТЛУҒ ОИЛА АЪЗОЛАРИ

Ғафур Ғулом ўз оилалари, авлод-аждодлари ҳақида фахрланиб гапирардилар. Уларнинг айтишларича, етти пуштлари муллаю мирзалар бўлган экан. Ғафур ака ҳам, Муҳаррам ая ҳам эл қатори камтарона яшаганлар. Калибобдаги уйларида замонавий мебель, уй жиҳозлари йўқ эди. Оддий сим каравот, хонтахта, беш-олтита стул, стол, шолча, гилам, керакли идиш-товоқдан бошқа орғиқча нарсалар бўлмасди. Аллома ёзда хонтахта, қишда танча курсиси атрофида ўтириб ижод қилардилар. Оила аъзоларининг кийим-кечаклари, емиш-ичмишлари ҳам оддий эди. Аллома бирор расмий учрашувларга борганларида оддийгина костюм-шим кияр, оқ ятак ёки кўйлак, оқ лозим, қишда кўчага пальто, уйда чопон киярдилар. Ҳаммавақт оҳори тўкилмаган кўқон дўппи киярдилар.

Муҳаррам ая ҳам Ғафур Ғуломга монанд ўта камтарин аёл эдилар. Ҳеч ким у кишини машҳур шоирнинг хотини демасди. Хушбичим, кўҳликкина, мулойим, соддадил эдилар. Қавм-қариндошлар, қўни-қўшнилар Муҳаррам аяни жуда хуш кўрардилар. Ғафур Ғулом оиласи кўп қатори моддий қийинчиликларни ҳам бошидан кечирган. У кишининг сиймосида ҳеч қачон афсус-надоматни кўрмаганмиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам кулиб гаплашардилар. Ая дамлаган паловхон тўранинг антиқа хушбўй ҳиди қўни-қўшниларнинг ҳовлисигача тарқаларди. Палов бўлган кун биз, қўшни болалар, албатта, Ғафур ака ҳовлисида уймалашардик. Муҳаррам аянинг тандирда ёпилган сомсаю патирларини айтмайсизми! Оғзингизда эриб кетарди. Бир чеккаси, Ғафур аканинг меҳмондўстлиги, қолаверса, Муҳаррам аянинг пазандалиги сабаб шоир хонадонидан меҳмонларнинг оёғи узилмасди. Меҳмонлар баъзан бир неча кунлаб қолиб кетардилар. Муҳаррам ая кечани кеча, кундузни кундуз демай, бир ўзлари турлитуман таом тайёрлардилар. Хуллас, барча уй-рўзгор, тирикчилик ташвишлари оила бекасининг зиммасида эди. Бунинг устига, фарзандлар таълим-тарбияси, гам-ташвишларини айтмайсизми! Қўша-қўша болаларни оқ ювиб, оқ тараб, уларнинг ўқиши, юриш-туриши, одоб-ахлоқи билан шуғулланиш ҳам асосан Муҳаррам ая зиммасида бўлган.

Эр-хотин оилада, туриш-турмушда, ўзаро муносабатда ҳалол-пок бўлса, фарзанд ҳам шу йўлдан боради. Ғафур Ғулом билан Муҳаррам ая умр бўйи пок, ҳалол яшадилар. Зотан

фарзандлар ҳалқуми ҳамиша покиза бўлди. Муҳаррам ая табиатан юмшоқ, мулойим бўлганлари сабаб болалар кўнглини ранжитмасдилар. Ширин муомала билан даккисиз, писандасиз фарзандларига панду насиҳат қилардилар.

Аллома аяга бўлган меҳр-муҳаббатини шеърӣ мисраларда баён этганлар:

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Шарафлар кутбидек икки чаккангга
Бутун мазмунимни ҳаля қилсам кам.

Иккинчи бир шеърларида аяга бўлган меҳр-садоқат куйидагича баён қилинган:

Боғимда настарин гуллаб қолди-ю,
Баҳор ҳурмати-чун мен узиб олдим.
Кейин ўз чаккамга тақишдан кўра
Бекамга тақдимни ўйлаб қолдим.

Муҳаррам аянинг оилада яна бир вазифалари бор эди. Ая алломанинг адабий дастёри эдилар. Одатда Ғафур ака эрта саҳарда туриб ижод қилардилар. Муҳаррам ая яна эртароқ туриб, ижод учун нимаики зарур бўлса, барчасини муҳайё қилардилар. Мабодо шеър туғилса, уни дарҳол оққа кўчириб, кўлёзмани авайлаб сақлаб қўярдилар.

Маълумки, аллома кўп асарларини араб алифбосида битганлар. Уларни оққа кўчириш, рус алифбосига ағдариш фақат Муҳаррам ая қўлларидан келарди. Аянинг фазилатлари, меҳнатлари ва жонкуярлигига қойил қолган Зулфия опа Муҳаррам аяни шундай таърифлаган эдилар: “Муҳаррамхонимдай ажойиб, мулойим ва шоир тили, дилини яхши англайдиган фидойи аёлни кам учратганман. Боз устига, Муҳаррамхон жуда маданиятли аёл эдилар”.

Ғафур ака Муҳаррам аяни уй-рузгор ишларида, айниқса, болалар тарбиясида ёлғизлатиб қўйган эмаслар. Бозор-ўчар, тирикчилик учун керакли нарсаларни харид қилиш Ғафур ака зиммаларида эди. Уй юмушларида ҳам у киши қўлларидан келганча аяга кўмаклашардилар.

Ғафур ака ўз фарзандларига ўта меҳр қўйган бўлсалар ҳам уларнинг ўқиши, машғулотини, юриш-туриши, ахлоқ-одобини қаттиқ назорат қилардилар.

Бир кун катта ўғиллари Улуғ иккимиз қўшни маҳалладан келган болалар билан муштлашиб қолибмиз. Биз зўр чиқиб, бир боланинг бурни қонаган. Шу пайт Фафур ака келиб қолдилар ва жабрланган болани уйга етаклаб, ўзлари юз-кўзларини ювиб қўйганлар. Боз устига, чўнтакларидан конфет чиқариб, болага берганлар ва ундан биз учун узр сўраганлар. Аммо бизга лом-мим демаганлар. Бу воқеа Улуғ учун ҳам, мен учун ҳам унутилмас сабоқ бўлган.

Улуғ ёшлигидан зукко, ақл-заковатли, соддадил, саховатли ва самимий эди. Бундай хислату фазилатлар бир умр Улуғни тарк этмади. У улғайган сари қобилиятли, салоҳиятли, меҳр-муруватли, мард ва жонкуяр инсон бўлиб шаклланди. Улуғ ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Ўрта Осиё университетининг физика-математика факультетида таҳсил олди. Институтдан сўнг аспирантурада ўқиди, 1961 йили муддатидан илгари физика соҳасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш қобилиятли олим 1969 йилда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтига директор қилиб тайинланди. Бу катта илмий даргоҳда Улуғ Фафурович Фуломовнинг илмий ва ташкилотчилик фаолияти янада жўш урди. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ядро физикасининг янги йўналишлари бўйича янги лабораториялар, бўлимлар очилди. Радиопрепарат аталмиш тажриба корхонаси, завод ва конструкторлик бюrolари ташкил қилинди. Корхона ва заводларда халқ хўжалиги учун зарур радиоизотоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Булардан ташқари, Улуғ Фафуровичнинг шахсан ўзи релятивистик ядро физикаси аталмиш илмий йўналишга асос солди ва бу соҳада кўп кашфиётлар яратди. Улуғ Фуломов директорлик даврида Ядро физикаси институтининг довуғи собиқ Иттифоққа ва чет элларга ҳам тарқалди. Катта илмий-амалий ютуқлари учун институт Дубнадаги Бирлашган ядро тадқиқотлари халқаро институтининг мукофотига сазовор бўлди. Улуғ Фафурович 1970 йилда докторлик диссертациясини ёқлади, 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. Унга хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1970 йилдаёқ физика фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Абу Райҳон Беруний мукофотига сазовор бўлди. Ёш олим қисқа умри ичида шунчалар катта, беқиёс илмий-амалий ишларнинг уddасидан чиқди.

“Ҳар кимнинг инсоний фазилатларини синаб кўриш учун унга амал бер”, деган нақл бор. Улуғ Фафурович олим сифатида фанда мактаб яратган, шуҳрат қозонган бўлса, раҳбар сифатида илм аҳлига, ёру биродарларига, қавм-қариндошларига ва оддий инсонларга ҳам кўп яхшиликлар қилган. Кимки бирор нарсага муҳтож бўлса, албатта, ҳожатини чиқарган. Оддийлик, дўлворлик, одамшавандалик, қувноқлик, самимийлик, хайру саховатлик, меҳр-шафқатлилиқ каби инсоний фазилатлар унинг йўлдоши бўлди. Буюк Фафур ака ана шундай фарзандни тарбиялаган эдилар. Минг афсуски, бешафқат ўлим улуғ инсонни орамиздан олиб кетди. У 57 йил умр кўрди, холос.

Иккинчи ўғилларига Фафур ака Бедилнинг исмини, яъни Мирзо Абдуқодир исмини қўйдилар. Шарқ шеърятининг даҳолари ичида аллома кўпроқ Бедилга ихлосманд эдилар. Бунинг аксарият шоирлар, ёзувчилар яхши биладилар. Кадриободдаги ҳовлисида бўлиб ўтган бедилхонликларнинг гувоҳи, шоҳиди бўлганман. Бедилхонликда асосан Фафур Фулом, Собир Абдулла, Бокий, Ҳабибий домлалар, Анисий, Шайхзода ва қўқонлик Бедил шайдолари иштирок этардилар. Ўзаро мушоиралар, баҳс ва мунозаралари эрта тонггача давом этарди. Баъзи-баъзида улар талашиб-тортишиб, бир-бирлари билан аразлашиб ҳам қолардилар. Бедил шеърятининг фалсафаси ечилмай қолаверарди.

Ҳар бир инсон ўз исмига монанд бўлади, деганларидек, Мирзо Абдуқодир ҳам ёшлигидан тийрак, сергак, ақлли, заковатли бўлиб ўсди. Касб-ҳунар танлашда акаси Улуғ сингари физика илмига меҳр қўйди. Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультетини тугатди, физикага оид илмий тадқиқотлар билан машғул бўлди. Дастлаб кичик илмий ходим, сўнг катта илмий ходим, лаборатория мудири сифатида Фанлар академиясининг Физика-техника институтида ўта муҳим тадқиқотлар олиб борди. Релятивистик ядро физикаси ва элементар заррачалар физикаси соҳасида янгиликлар ва кашфиётлар қилди. Шунингдек, юқори энергияли атомлар ва ядроларнинг ўзаро таъсирига оид ноёб тажрибалар ўтказиб, фундаментал натижаларга эришди. Бу эса юқори энергиялар физикасига қўшилган йирик илмий ҳисса ҳисобланади.

Мирзо Абдуқодир Фуломов 1989 йилдан республикадаги илм даргоҳларидан бири — “Физика — қуёш” ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилди.

А.Фуломов раҳбарлиги даврида илмий бирлашмада қуёш энергиясидан фойдаланиш, юқори ҳароратли материалшунослик, халқ хўжалиги учун турли хом ашёлар тайёрлаш борасида янгиликлар яратилди. Бирлашма ходимларининг қатор ихтиролари ва кашфиётлари халқ хўжалигига татбиқ этилди. Бирлашма дунёдаги машҳур илм-фан даргоҳлари билан яқиндан илмий-амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. А.Фуломов, айниқса, қобилиятли физик олимлар тайёрлашга жиддий эътибор берди. Кейинги 10 — 12 йил мобайнида юзлаб иқтидорли ёшлар илмий даражалар ва унвонларга мушарраф бўдилар. А.Фуломовнинг ўзи бир фан доктори ва ўн учдан ортиқ фан номзодини тайёрлаб берди. А.Фуломовнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номли Давлат мукофотига сазовор бўлган, қатор чет эл илмий марказларининг фахрий аъзоси қилиб сайланган. Академик А.Фуломов илм-фан соҳасида ном чиқариш билан бирга одамийлик, инсонпарварлик фазилатлари билан барчанинг ҳурмат-эътиборини қозонган камтарин ва хоксор инсон. Табиатан барчага меҳр-оқибатли, раҳм-шафқатли. У билан суҳбатлашган, мулоқотда бўлган ҳар бир киши А.Фуломовнинг кенг мушоҳадаси, тафаккурига қойил қолади. Унинг камтарлиги, хоксорлигига тан беради.

Аллома учинчи ўғилларига улуг тарихчи Хондамир исмини лозим топганлар. Хондамир исмига хос ва мос билагон, етук тарихчи бўлиб етишди. Ватанимизнинг ўрта аср ва янги тарихига доир қатор илмий, илмий-оммавий асарлар яратиб, республика тарихчилари орасида машҳур бўлди. Хондамир Фафурович Фуломов бир неча йил Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида кафедра мудир, факультет декани вазифасида ишлади. Факультетда олиб борилган муҳим илмий тадқиқотларга, ўқув-педагогика ишларига бош-қош бўлди. Олим раҳбарлик қилган йиллари илм-фан ривожига, кадрлар тайёрлашда тарих факультети яхши натижаларга эришди. Факультетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари Хондамир Фафуровични устоз муаллим, зукко олим ва ҳақиқий инсон сифатида иззат-икром қилиб келадилар.

Шахсий ҳаётда ҳам, туриш-турмуш ва юриш-туришда ҳам Хондамир Фафур Фулом ҳамда акаларидек ўта камтар, бегараз, очиқкўнгил ва дилкаш, бир гаплашган инсон яна суҳбат қилишни истайди. Оиласига, ёру биродарларига ва қавм-қариндошларига ҳамиша меҳру ҳамиятли, мурувватли.

Уларнинг ҳаётидан, турмушларидан доимо хабар олиб туради. Қариндош-уруғлар, фарзандларининг ўқиши, касби кори ва машгулотларини суриштириб туради. Лозим бўлса, албатта, уларга моддий-маънавий ёрдам беради.

Алломанинг суюкли ва арзанда фарзандларидан бири Олмосхондир. Уйдаги муҳит, машҳур шоиру ёзувчиларнинг тонготар мушоиралари, шеърхонлик, газалхонликлару бедилхонликлар Олмосхонни адабиётга, бадииятга ром қилиб қўйди. Олмосхон Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битириб, таниқли адабиётчи ва адиба бўлиб камол топти. Пишиқ, пухта, яхшигина ҳикоялар, очерклар, лавҳалар ёзиб, эл-юртга, мухлисларга танилди.

Фафур Фуломнинг бой, бетакрор меросини тўплаш, ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишда Олмосхон жонбозлик, фидойилик кўрсатиб келяпти. Аллома музейини ташкил этишда, янги манбалар, адабиётлар, экспонатлар билан тўлдириш ва бойитишда Олмосхоннинг ҳиссаси беқиёсдир. Фафур Фулом уй-музейи Олмосхон раҳбарлигида улкан ва муқаддас даргоҳга айланди. Музей алломанинг беадад мухлислари, адиб шайдолари, адабиёт ихлосмандлари учун зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Тошхон бону — Фафур Фуломнинг энг кенжа, эркатой қизлари. Олмосхон каби Тошхон ҳам аллома ва Муҳаррам ая тарбиясини олиб, бокира қиз бўлиб вояга етди. Мактабданоқ биология илмига ҳавас қўйди, биолог олима бўлишга азму қарор қилди. Шу яхши эзгу ният ила Тошкент Давлат университетининг биология факультетида таҳсил олиб, уни муваффақиятли битирди. Тошхон эндиликда таниқли биолог олима, биология фанлари доктори, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп асарларнинг муаллифи. У ҳамкасблари ва қобилиятли шогирдлари билан ҳамкорликда муҳим илмий-амалий тадқиқотлар билан банд.

Аллома шогирдларини ҳам фарзандларидек кўрардилар. Уларни ғоят меҳр билан тарбиялаб, парвариш қилардилар. Юраги дов бериб, устоз этагидан тутган шогирдлар Фафур Фулом хонадонида ўз уйларидек яшардилар. Муҳаррам ая ҳам алломадек шогирдларга меҳр-мурувватли эдилар. Уларнинг иссиқ-совуғидан ҳамиша хабар олар, ош-нонсиз уйдан чиқармасдилар. Бирор нарса битиб, устоздан маслаҳат сўраган шогирдлар керакли, фойдали маслаҳат олар, Фафур акадан ҳамиша мамнун ва миннатдор эдилар.

МУНДАРИЖА

Мушоира.....	3
Ғаройиб кун.....	6
Меҳмонхонадаги суҳбат.....	11
Қутлов.....	13
Ғафур акани эслаб.....	15
Баҳри опа ҳузурида.....	16
Бир тўй тарихи.....	18
Аллома ҳиммати.....	21
Кадобод маҳалласида.....	25
Тўйдан чиққан ўғри.....	27
Қалтис ҳазил.....	29
Ғафур Ғулом ва шоир Қирмочий.....	30
Бир ҳўроз воқеаси.....	31
Қутлуғ оила аъзолари.....	33

Адабий-бадий нашр

Фатҳулла Абдуллаев

ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Муҳаррир М.Йўлдошева

Мусаввир А. Бобров

Бадий муҳаррир Ю.Габзалилов

Техник муҳаррир Т.Смирнова

Мусахҳиҳ М.Насриддинова

Компьютерда саҳифаловчи З.Аҳмедова

ИБ №4127

Босишга 23.05.2003 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108¹/₃₂. Таймс гарнитура. Офсет босма. 2.10 шартли босма тобоқ. 2,2 нашр босма тобоғи. Жами 500 нусха. 180 рақамли буюртма. 4-2003 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент, Навоий кучаси, 30.// 700128. Тошкент, Усмон Юсупов кучаси, 86.

